

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

Муқимов Бахриддин Асрорович

**Бошқарувда раҳбар маънавий қиёфасининг
ахлоқий асослари**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: ф.ф.д.
проф., в.б.М.А.Нурматова**

Тошкент-2014

РЕЖА:

КИРИШ.....	3-7
I-БОБ. РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИАТИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВДА НАМОЁН БЎЛИШИ.....	8-24
1.1 Раҳбар маънавияти тушунчасининг фалсафий моҳияти ва шаклланиш тарихи.....	8-14
1.2 Раҳбар маънавиятининг бошқарувда намоён бўлиши.....	14-24
II-БОБ. БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ ВА РАҲБАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	25-45
2.1. Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси ўзаро алоқадорлигининг ахлоқий моҳияти.....	25-35
2.2 Ахлоқий тамойиллар раҳбар маънавий қиёфасининг асосий омили.....	36-46
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ МИЛЛИЙ-АХЛОҚИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ.....	46-62
3.1 Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда бошқарув маданияти ва миллий раҳбар кадрлар маънавий қиёфасининг ахлоқий асослари ҳақида.....	46-55
3.2 Замонавий раҳбар маънавий қиёфаси миллий ахлоқий концепциясининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамияти.....	55-62
ХУЛОСА.....	63-65
Фойдаланилган адабиётлар.....	66-69

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик даврида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан ва мураккаб жараёнларини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллади.

Кенг миқёсли ўзгаришларни амалга оширишда, ислохотларни чуқурлаштиришда раҳбар кадрларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори, салоҳияти ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Кадрлар фаолиятининг принциплари, мақсадлари, усуллари тўғри олиб борилиши бошқарувнинг, давлат ва жамият қурилишининг муваффақиятини маълум бир маънода олдиндан белгилаб беради.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш раҳбар кадрларнинг касбий маҳорати, маънавий қиёфасидаги ахлоқий жиҳатлари масалаларининг мавқеини оширади давлатимиз раҳбари кадрлар тарбиясига, маънавиятига, салоҳиятига муҳим аҳамият бераётганлиги, раҳбар кадрлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга даъват этаётганлиги боисиди ҳам ана шу эҳтиёж ётади. Раҳбар кадрлар жамиятни ҳаракатга келтиради, халқ ичида мавжуд бўлган ижодий кучларни уйғотади, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни жонлантиради. Албатта, бунинг учун жамоатчилик онгида раҳбар намунага айланиши, одамларни ўз сўзига ишонтира олиши, халқни ортидан эргаштира олиши зарур. ...бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб

яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.¹ Мамлакатнинг барча жойларида ва соҳаларида давлат сиёсатини юргизиб, инсон манфаатлари йўлида раҳбарлик ишларини амалга ошира оладиган раҳбар кадрларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш шу маънода доимо давлатимиз раҳбарининг эътиборида турибди. “Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда “Темур тузуклари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.”²

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда давлатнинг миллий раҳбар кадрлар тайёрлаш сиёсати мустақиллик даври вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда раҳбар фаолияти билан боғлиқ муаммоларга ҳам Президентимиз томонидан олиб борилётган сиёсат жуда оқилона ва одилона эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Айниқса шу муносабат билан Сурхондарё вилоятининг 19 декабрь 2013 йилдаги навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида келтирилган фикрлари раҳбар маънавий-ахлоқий фаолияти ва унинг бошқарув маданиятида тутган ўрни масаласида катта аҳамиятга эга. “Ҳозирги кунда ҳаёт ўзгаришти, унинг талаби ўзгаришти. Талаб пастдан, одамлар ўртасида юртнинг эртанги куни, тақдири учун куйинишдан бошланади. Агар раҳбар ҳаётнинг мана шундай кескин талабини тушунмаса, англамаса, унинг жавобини бериш лозим. Ўрнига ғайрат-

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 207-б.

² Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б. 287-288

шижоатли, замоннинг талаби билан ҳамоҳанг яшайдиган ёшларни қўйиш керак”¹

Жамиятимизнинг сиёсий тизими демократик тамойиллар асосида янгиланмоқда. Мамлакатимизда янги демократик тузумнинг асослари яратилмоқда. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди. Бундай иштирок эса жамоатчилик назоратисиз, унинг воситасида раҳбар кадрларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатларини такомиллаштиришнинг илмий услубларни жорий этмасдан туриб амалга ошмайди. Биз муаммонинг айнан шу жиҳатини тадқиқ этишга жазм этдик.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб ижтимоий фанимизда жамиятимиз ривожига раҳбар кадрларнинг ўрни ва роли муаммосини тегишли манбалар ва адабиётларда етарли даражада ўрганилган деб бўлмайди. Мустақиллик туфайли кадрлар сиёсати ва уни ўрганишга эҳтиёж ошди, бу муаммони ўрганиш тамойиллари тизими ўзгарди. Уларни қўйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин:

- юксак малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган «Ўзбекистон давлатининг миллий кадрлар тайёрлаш дастури»нинг ишлаб чиқилганлиги;

- Президентимиз И.А.Каримов нутқлари, асарларида раҳбар кадрлар фаолиятини муттасил такомиллаштиришнинг тамойиллари кўрсатиб берилганлиги;

- илмий жамоатчилигимизда, матбуот саҳифаларида, сиёсий. ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳалардаги адабиётларда раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларнинг фаолиятига доир талабларнинг ошиб бориши масалаларига доир бир қанча қарашларнинг кенг жамоатчиликка тақдим этилаётганлигида кўриш мумкин. Ушбу муаммо бўйича мамлакатимиз жамиятшунос олимлари

¹ Каримов И.А.Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида 2013 йил 19 декабрда сўзлаган нутқи.-Халқ сўзи газетаси, 2013 йил 21 декабрь.№ 250 (5924)

ва мутахассислари - А.Азизхўжаев, И.Эргашев, Н.Комилов, А.Бегматов, С.Отамуродов, Т.Жўраев, С.Жўраев, Н.Умарова, А.Холбеков ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин¹.

Битирув малакавий ишининг мақсади мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар сиёсати доирасида раҳбар ходимлар маънавиятида ахлоқий жиҳатларини ёритиш ва такомиллаштириш муаммоларини Президент И.А.Каримовнинг кўрсатмалари, махсус адабиётларда илгари сурилаётган услублар асосида ёритишдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал этиш қуйидаги тадқиқот **вазифаларини** белгилаб беради:

- раҳбар маънавияти тушунчасининг фалсафий моҳияти ва шаклланиш тарихини ўрганиш;
- раҳбар маънавиятининг бошқарувда намоён бўлишини таҳлил этиш;
- Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда бошқарув маданияти ва миллий раҳбар кадрлар маънавий қиёфасининг ахлоқий асослари ҳақида ғояларини тадқиқ этиш;
- замонавий раҳбар маънавий қиёфаси миллий ахлоқий концепциясининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамиятини ёритиш;
- бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси ўзаро алоқадорлигининг ахлоқий моҳиятини асослаш;
- ахлоқий тамойиллар раҳбар маънавий қиёфасининг асосий омилини таҳлил этиш.

Ишнинг илмий янгилиги мустақиллик шароитида раҳбар кадрларнинг маънавий қиёфасидаги ахлоқий асосларини бошқарувда намоён бўлишини янги талаблар нуктаи назаридан ўрганилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги раҳбар кадрларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, уларнинг бошқарув фаолиятида

¹ Азизхўжаев А.А. Демократия - халқ ҳокимияти демакдир. -Т., 1996; Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. -Т., Академия, 2001; Раҳбар ва ходим (тўплам). -Т., Академия, 1999; Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. -Т., Шарқ, 1998; Эргашев И., Шарилов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т., Академия, 2002, 60 б.: Жўраев Т. Бузувчи ва тузувчи тизимлар. // Тафаккур, 2000, 2-со.-: Жўраев Н. Агар огоҳ сен..., Сиёсий эссе. -Т., Шарқ, 1998 ва б.

маънавий қиёфасининг ахлоқий жиҳатларини асослашга доир фикрлар маълум назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Битирув малакавий иши мавзуга оид ишнинг мазмунини акс эттирувчи 5 та илмий мақолалар Республика ва ОТМларида ўтказилган илмий-амалий конференция тўпламларида нашр этилган.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, олтита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. РАҲБАР ШАХС МАЪНАВИЯТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВДА НАМОЁН БЎЛИШИ

1. Раҳбар маънавияти тушунчасининг фалсафий моҳияти ва шаклланиш тарихи

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурила бошлаган дақиқаданок собиқ Совет тоталитар тузумининг яккахукмрон мафкурасидан воз кечилди. Ислом Каримов бу ҳақда шундай деган эди: “Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз”. Мана шу “тенгилк ва адолат” қадриятини жамиятда қарор топтириш зарурияти ягона, ҳукмрон мафкурадан воз кечишни ва унинг ўрнига миллий ғояни ишлаб чиқишни тақозо этди. Бу миллий ғоя асосларини Президентимиз миллий маънавият ташкил этишини айтди.

Раҳбар маънавияти тўғрисида гап кетганда, кўпинча, раҳбарнинг тарихни, алломаларимиз меросини, гўзаллик, яхшилик-ёмонлик ҳақидаги билимларини тушунишади. Аслида булар - раҳбар маънавиятининг бир бўлаги, холос. Замонавий раҳбар маънавияти нихоятда кўпқиррали, тобора бойиб, ўзгариб боровчи тушунчадир. Президентимиз нутқларида замонавий раҳбар кадр маънавиятида устувор бўлиши керак бўлган фазилатлар ўз аксини топган.

Бугун замонавий раҳбар маънавияти юқорида таъкидлаб ўтилган фазилат ва хислатлардан ташқари қуйидаги қўшимча талабларни ҳам ўз ичига олиши мумкин:

- хўжалик юритиш интизомини таъминлаш;
- шартномаларнинг тўла бажарилишига эришиш;
- ишни ташкил қилишда изланиш, ташаббускор бўлиш;
- боқимандалик, хўжасизлик дардларини даволаш;

- дехқон, тадбиркор манфаатларини ҳимоялаш;
- кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш;
- тамагирликка қарши курашиш;
- кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг давлатимиз, миллатимиз тақдирида тутган ўрнини тўлиқ англаш;
- қўл остида ишлаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;
- Маънавият ва маърифат Кенгашининг ўз ҳудуди, ташкилотидаги раҳбари сифатида ўз вазифаларини билишни ва амал қилишни ҳам тақозо этади.

Фидойи раҳбар юқорида биз тилга олган маънавий талабларни билмаслигини сезса, шу захоти билиб олишга ҳаракат қилади, изланади, ўқийди, сўраб-суриштиради, ўрганади ва ҳаётга дадил қўллайди.

У ёки бу мансабдор шахснинг ўз лавозим вазифаларини бажара олмаганлиги натижасида миллат, ислохотлар зарар кўрганлигини матбуотда ўқиб, умумий ишимизга у келтирган зарарни англагач, ҳар бир фуқаро ундан ран-жийди.

Раҳбар кадр давлатнинг инсоний тимсоли демакдир. Кўзланган, олдимизга қўйган стратегик вазифаларни бевосита амалга оширувчи шахс - давлат вакилидир. Бу улуғ мартаба, мансаб, мухтарамлик макрини эгаллашни хоҳловчилар кўп, лекин бу бурч ва ҳуқуқ ҳар бир ташкилотда фақат бир кишига ишонилади. Бу - раҳбарликка номзодлар орасидан энг ҳалолини, энг тадбиркорини, энг фидойисини, энг моҳири, энг ватанпарварини, энг билимлисини танлаш зарурати ва муаммосини пайдо қилади.

Демак, натижанинг қандай бўлиши, раҳбарликка қандай кишининг келиши - номзодлар ичидан “Кимни?”, “Қандай кўрсаткичларга, мезонларга асосан?”, “Қандай усуллар билан?”, “Қандай шаклларда?”, “Нима учун айнан шу номзодни танлаш керак?” деган саволларнинг қандай қўйилиши ва оқилона ҳал этилишига боғлиқ.

Раҳбар шахс маънавияти қандай бўлиши керак? Унинг асосини қандай ғоялар ташкил қилади? Президентнинг ҳар бир чиқишларида ана шу масалалар ҳам ўз аксини топа бошлади. ...одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряпманми ёки йўқми, деган саволни ўзига беришни, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади...¹ Демак, раҳбар шахс маънавиятида, аввало, масъулият ҳисси юксак бўлиши лозим. Бу ҳисси нималар ташкил қилади? Уни “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият”² деб билиш ташкил қилади. Шу маънода раҳбар шахс маънавияти ғоясининг биринчи элементи инсонни кадрлашдир. Бу улкан масъулият ҳиссини пайдо қилади.

Инсон кадри раҳбар шахс маънавиятида муҳим ўрин тутди. 130 йиллик мустамлака шароитида, мафкуравий тазйиқ остида яшаб келган халқ руҳий-маънавий жиҳатдан озод бўлиши, унинг шаъни тикланиши лозим эди. Раҳбар бу жараёнда фаол иштирок этиши, ижобий ўзгаришнинг ташаббускори бўлиши керак. Шу боис маънавият, айниқса, раҳбар шахс маънавияти истиқлол йилларида сув ва ҳаводек заруратга айланди. Бироқ, тоталитар тузум етиштириб берган раҳбар шахслар авлодининг маънавий янгиланиши қийинчилик ва мураккаблик билан кеча бошлади. Аввало, улар учун халқнинг миллий руҳи ва менталитетини ифодаловчи “маънавият” атамаси моҳият-эътибор билан янгилик, аниқроғи нотаниш ва тушунарсиз туюла бошлади. Чунки, улар “идеология”, “мафкура” сингари сўзларга ўрганиб қолган эди. Шу сабабли, Ислом Каримов 1993 йил 7 декабрь куни - Конституциянинг бир йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида “миллий истиқлол мафкураси” тушунчасини ишлатди ва уни нималар ташкил қилиш ҳақида сўзлади: “Ҳеч қайси мафкура ва давлат мафкураси мақомига

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. -Б. 227-228

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-модда. 2012.

кўтарилиши мумкин эмас”¹. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўйди. “Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозим. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуг мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши керак”². Бу ўринда миллий истиқлол мафкураси концепциясида шундай масалалар ўз аксини топганини кўрамыз:

Биринчидан: Маънавият миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ифодалайди.

Иккинчидан: Миллий истиқлол мафкураси халқ менталитетини ифодалайди.

Учинчидан. Миллий истиқлол мафкураси улуг мақсад йўлида фуқароларни бирлаштиради.

Ислом Каримов томонидан баён қилинган бу қараш кейинчалик уч масаланинг ҳал этилишига омил бўлди: 1) раҳбар шахс маънавияти ғояси конкретлашди; 2) миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари белгиланди;³ 3) миллий истиқлол мафкураси конституциявий асосга кўра давлат мафкураси эмас, балки, жамият мафкураси бўлди. Шу маънода раҳбар шахс маънавияти ғоясининг асосий элементини Инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ташкил этди. Жамият мафкураси айнан мана шу мақсадни амалга оширишни тақозо этади.

Раҳбар шахс маънавияти ғоясида сиёсий эркинлик масаласи муҳим ўрни тутади. Гап шундаки, 1995 йил охирларига қадар баъзи кучлар собиқ СССРни тиклаш борасидаги ўз ҳаракатларини турли йўллар билан ва изчил

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 12-модда. 2012.

² Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Б. 114.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

давом эттирдилар. Ачинарлиси, бу хатти-ҳаракатларга мамлакатимиздаги баъзи раҳбар курсисида ўтирган шахслар зимдан хайрихоҳ бўлиб турдилар. Мисол учун, Президент И.Каримов 1996 йили 16 март куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида шундай дейди: “Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съездлари материаллари, ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисод масалаларига доир адабиётлар авайлаб сақланмоқда.

Гап шундаки, раҳбар шахс ўз фаолиятида адолат тамойилларига риоя қилмас экан, унинг ишлари талаб даражасида бўлмайди. Раҳбар шахснинг адолати мулкка, ўзгалар ҳаққига ва жамият манфаатларига нисбатан одил муносабатда бўлишда намоён бўлади. Президент ўз нутқида нафақат Тошкент шаҳрида, балки Республиканинг турли вилоятларида бундай “раҳбар”лар кўплаб учрашини айтиб ўтди. Улар қаердан пайдо бўлмоқда? Сабалардан бири, бундай раҳбар шахсларнинг суяғи Совет тоталитар тузумида “қотганди”. Бу тузум мулкни умумий деб эълон қилиб, уни талон-тарож қилишга йўл қўйганди. Натижада, раҳбар шахслар нопок йўллар билан бойиш йўллариини ўзларига “касб” қилиб олганди. Улар учун адолат туйғуси мутлақо бегона. Нафс балосига учраган бундайлар истиқлол йилларига келиб ҳам ўтиш даври мураккабликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдалана бошлашди.

Маълумки, Амир Темури “Куч – адолатда” тамойилига асосан давлат бошқарган. У қуйидаги 12 қоидага биноан бошқарувни ташкил қилган:

Биринчиси, ўз даврида мавжуд кадриятларга асосланиш.

Иккинчиси, жамиятни 12 та ижтимоий табақага бўлиб бошқариш.

Учинчиси, ҳар бир ишда кенгашиб йўл тутиш.

Тўртинчиси, бошқарувда фақат қонунларга иттиҳ қилиш.

Бешинчиси, давлат хизматчиларини рағбатлантириб бориш.

Олтинчиси, фуқароларни рози қилиш.

Еттинчиси, элнинг азиз кишиларини муҳтарам тутиш.

Саккизинчиси, шижоат билан иш юритиш.

Тўққизинчиси, фуқаро аҳволидан ҳамиша огоҳ бўлиш.

Ўнинчиси, хизматдаги фаол кишиларни кадрлаш.

Ўн биринчиси, яхши кишилар хизматини унутмаслик.

Ўн иккинчиси, қўшиннинг таъминотини талаб даражасида йўлга қўйиш¹.

Бу Амир Темури бошқарувда қўллаган адолат тамойилларидир. Уларнинг моҳиятини фақат инсон манфаатлари ташкил қилади. Буюк Амир Темури таъкидлайдики, “Давлат агар конун-тартиб асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади”².

Эътибор берилса, Амир Темури ва собиқ совет тоталитар давлатларининг бошқарувида ер билан осмон оралиғичалик фарқи бор. Амир Темури адолатни бош шир қилиб танласа, Совет идеологлари худбинликни илк режага чиқарган. Шу сабабли, Ислам Каримов совет тоталитар жамияти тарбиясини олган раҳбар шахсларни Амир Темурнинг раҳбарлик усулига биноан қайта тарбиялашни лозим қўради. Шу маънода раҳбар маънавияти ғоясининг адолат элементини одиллик, билим ва тафаккур ташкил қилади. “Одиллик” – инсонийлик туйғуси, “билим” – инсонийлик йўли ва “тафаккур” эса инсонийлик тантанасидир. Бу тушунчалар Адолат енгилмас куч-қудратга айлантиради, раҳбарнинг бош қуроли сифатида намоён бўлади. Раҳбар шахс бу кучсиз ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Раҳбар шахс маънавияти ғояси Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий зарурат туфайли пайдо бўлди. Уни шакллантириш учун Ислам Каримов ўн йил давомида изчил изланиш олиб борди. Айтиш мумкинки, бу борада ҳалёдан реаллик, хаосдан тартиб сари боришдаги изланишлар даври бўлди.

Раҳбар шахс маънавиятини шакллантириш механизмларини тўғри белгилаш ва ишлаб чиқиш муҳим роль ўйнайди. Бу борада Ўзбекистонда энг таъсирчан механизм яратилган.

¹ Темур тузуклари. – Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2013. 74-78-бетлар

² Шу манба. 78-бет

Хулоса қилиб, Ўзбекистонда раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришнинг асослари мақсадли равишда ташкил қилинмоқда. Бу жиҳатдан олиб борилаётган ишлар илмий-амалий асосга таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

1.2 Раҳбар маънавиятининг бошқарувда намоён бўлиши

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришни тезлаштириш вазифаси ҳал қилинаётган ҳозирги босқичда кадрлар сиёсати янги ва чинакам чуқур мазмун касб этади. «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилимиз қанчалик кўламдор бўлса, уни амалга оширишда раҳбар ходимларнинг роли шу қадар юқори бўлади. Ҳозирги давр - фуқаролик жамиятини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириш даврида ҳар бир ташкилотдан, унинг ҳар бир аъзосидан қатъий куч-ғайратни, ўз фаолиятига баҳо беришда аниқликни, ишчанликни ва фидокорликни талаб қилади. Раҳбар ходимлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Ўз фаолиятларини, амалга оширадиган барча ишларда улар сўз билан иш бирлигини намоён этишлари, ўз-ўзини танқид, жамики илғор инсоний, ахлоқий нормаларга амал қилишда ибрат бўлишлари керак. Барча соҳаларда раҳбарлик фаолияти, услуби ва воситаларини такомиллаштириш зарурдир.

Раҳбар - одамларни, жамоани бошқариши, яъни етакчилик хусусияти билан ўзгалардан ажралиб туради. У меҳнат жамоасида ва жамиятда барчанинг кўз ўнгида бўлади, қўли остидагиларнинг иш ва турмуши билан боғлиқ муаммоларни, керак бўлса тақдирини ҳал қилади. Шундай экан, унинг зиммасида ўзгаларга нисбатан кўпроқ масъулият бор. Шу маънода масъулият замонавий раҳбар ходимларни тайёрлашдаги асосий мезон бўлиб, бу бурчни бажаришда қатъий бўлиш керак. Бу борада Президентимиз куйиниб айтган эдилар: Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини

рўёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз – раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифамиз, айти вақтда муқаддас бурчимиздир...¹Бу ғоя раҳбар ходимлар тайёрлашдаги асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон истиқболи бир қанча омилларга боғлиқ. Шулардан бири бошқарув институтидир. Ўзбекистонда замонавий раҳбар ходимларни тайёрлаш ва тарбиялаш мана шу бошқарув институтлари воситасида амалга оширилади. Ўзбекистонда миллий бошқарув «демократия ва ижтимоий адолатга садоқат»² тамойилига асосланади. Чунки «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади» (Ўзбекистон Конституцияси, 14-модда).

Раҳбарликнинг энг буюк мезони - **адолат**. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

«Куч - адолатда» деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насихатларини эсимиздан, ҳаёлимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Қўлингиз остидаги кишилар сизга фақат хизмат юзасидан ҳисобот бериши мумкин, халос. Инсон сифатида, шахс сифатида, қолаверса, фуқаро сифатида сиз билан тенг ҳуқуқли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айти пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади. Демак, ишлаб чиқариш

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 171-172 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Муқаддима қисми. - Т.: Ўзбекистон, 2012. Б. 5.

маданияти, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарга бўлган муносабати боғлиқ.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилona муносабатда бўлади. Албатта, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап укмайдиган, баъзан эса рўйирост эътироз билдирадиганлар ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини ковуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Раҳбар ходим қиёфасини белгилашда муҳим мезонлардан бўлган юксак **маънавият, масъулият ва маданиятлик** даражаси ҳам муҳим ўрин тутди. Бу нафақат ўтиш даврининг тақозоси, балки Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлай оладиган, унга хизмат қилишга қодир бўлган раҳбар ходим тушунчасининг мазмунини янгиловчи омил ҳамдир.

Президент ўз фаолиятида амалдаги раҳбар ходимларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириш, янгилаш каби масалалар билан тинимсиз шуғулланиб, уларга катта эътиборни қаратгани ушбу фикрларидан ҳам маълум: «Халқнинг дардига бефарқ қарайдиган ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди». Мамлакатимиз халқининг асрий орзулари - мустақилликка эришганимиз билан собиқ бюрократик тузум тарбиясини олган кўпгина раҳбар ходимларда қуйидаги салбий хусусиятлар сақланиб қолаётгани сир эмас:

- халқ дардига бефарқлик;
- ўз манфаатини устун қўйиш;
- худбинлик ва таъмагирлик;
- умуман, мамлакат равнақи ва халқ фаровонлигига тўсиқ бўлиш.

Аслини олганда, бу собиқ тузумдаги раҳбар ходимларнинг «худбинлик ва таъмагирлик» руҳини ўзлаштирган кимсалардир. Бу салбий тенденциялар

Юртбошимиз томонидан ўз вақтида зукколик билан пайқалгани сабабли, мавжуд фалаж тоифага кирувчи раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш, тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. У бу борада шундай ғояни илгари суради: «Бизга шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим деб қуйиб-ёнсинлар, ўз ҳаловатидан кечиб меҳнат қилсинлар! Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонқуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди». Эътибор бериб қарасак, давлат раҳбари раҳбар ходимларни ҳеч қандай тоифага ажратмай, бир бутунликда тарбиялашни илгари суради. Бу раҳбар ходим тушунчасини тубдан янгича, замона талабларига мос равишда талқин қилишдир. Унда фақат раҳбар ходим ўз номига муносиб бўлиши талаби устувордир.

Жамият, миллатнинг камчиликлардан ҳоли бўлиши, аввало, раҳбар ходимларнинг замон талабига мос бўла олиши, ўзидаги маънавий қусур-камчиликлардан фориғ бўлишидан бошланади. Замонавий раҳбар ходим барча фазилатлари билан ўз жамоаларига етакчи, фидоий, намуна ва ўрнак бўла олиши керак.

Мустақиллик шароитида янги замонавий бошқарув кадрларини тайёрлаш иши объектив ҳолатни ҳисобга олган ҳолда илмий ёндошувни талаб қилади. Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёни дастурий асосга эга бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтидорли раҳбарлик лаёқатига эга бўлган ўқувчи-ёшларни танлаш, билим-савиясини ошириш, малакавий кўникмаларини шакллантириш каби бир қатор ишларнинг узлуксиз тизимидан иборат. Шу ўрин касб одоби хусусида тўхталиш лозим, А.Шернинг фикрича “...раҳбар қуйи лавозимдагиларга менсимай, кўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик,

нафақат раҳбарлик касбига, балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобнинг касбий ахлоқ деб аталиши ҳам ана шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш, касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш ХХІ аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллажак. Зеро, касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ходиса сифатида баҳоланиши лозим.¹

Шундай қилиб, замонавий раҳбар ходимларни тайёрлаш масаласида Ўзбекистонда аниқ мезонлар ишлаб чиқилган ва у амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу мезонлар замонавий бошқарув усуллари ва раҳбарликнинг демократик тамойилларига мосдир.

Ўзбекистонни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш шароитида раҳбар шахсларнинг таъсири ва ўрни катта. Шу сабабли Президент Ислом Каримов ўзининг ҳар бир чиқишларида раҳбардан талаб этиладиган сифатлар тўғрисида сўз очади. Бу борадаги Президент қарашларининг хулосаси мамлакатни истиқболли ривожлантириш стратегик Дастурида ўз ифодасини топган.²

Бу билан бошқарув усулларини демократлаштириш имкони пайдо бўлади. Бошқарув усулларини замонавийлаштириш раҳбар ходимларнинг маънавий оламига боғлиқ масаладир.

Бугунги ривожланиш шароити амалдаги раҳбарлар маънавий масъулиятни юксалтириш ва бўлажак раҳбарлар бўлган ёшларни маънавий-мафкуравий тарбиялашни тақозо қилмоқда. Шу маънода раҳбар маънавияти ва масъулиятига қўйиладиган мезонлар қуйидагилардан иборат³: **истеъдод**. Ҳар бир киши муайян даражада истеъдод билан туғилади. Лекин раҳбарлик истеъдодининг шаклланишида тарбиянинг таъсири катта. Олимлар узок

¹ Abdulla Sher. Ahloqshunoslik. –Toshkent: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti. Darslik. 2010 yil, 311 b.

² И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз. Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 12-13; 19-22; 41-47.

³ И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз. Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 12.

изланишлардан кейин раҳбар истеъдоди ушбу 19 вазифани бажаришда намоён бўлишини аниқлаганлар: 1) бўйсунувчилар фаолиятини ташкиллаштириш; 2) ишларни режалаштириш; 3) қарор қабул қилиш; 4) «юқори»дан ахборотни ола билиш; 5) «қуйи»дан ахборотни ола билиш; 6) ижрочиларни тан олиш; 7) бўйсунувчиларга талабни қўя олиш; 8) бўйсунувчилар фаолиятини тафаккурий йўналтириб туриш; 9) бўйсунувчилар фаолиятининг самарадорлигини ошириш; 10) бўйсунувчиларга мўътадил муносабатда бўла олиш; 11) бўйсунувчилар билан ҳамкорлик қила олиш; 12) бўйсунувчиларни тарбиялаш; 13) бўйсунувчилар билан муомала қила олиш; 14) жазо чораларини қўллаш; 15) рағбатлантириш воситаларини қўллаш; 16) ўзини назорат қила олиш; 17) ўзи устида ишлаш; 18) ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўла олиш; 19) ўз фаолиятини баҳолай олиш. Булар қаторига яна замон талабларини англаш сифатини қўшиш мумкин.

Бу ўринда ана шу талаб ва вазифаларни бажариш билан раҳбарнинг истеъдоди намоён бўлишини таъкидлаш жоиз. Чунки, гап уларни қандай бажаришдадир. **Изланувчанлик.** Раҳбар ўз касб-кори ва маънавий онгини юксалтириш учун изланувчан бўлиши керак. Янгиликка интилиш, янгиликни қабул қила олиш ва янгилик ярата олиш раҳбар маънавий масъулиятининг даражасини белгилайди. Чунки, янгиликка интилмаган раҳбар кечаги ва бугунги кун билан яшаб қолади, унинг фаолиятида эртанги кун (келажак) йўқолади.

Мустақил дунёқараш. Раҳбар ҳар бир масалада ўз сўзи, фикри ва қарашига эга бўлиши лозим. Муайян масалада ўзи англаб етган сўзни гапириши, ўзи англаган фикрни билдириши ва масала ечимига доир қарашини айтиши керак. Тўғри-нотўғри хулосалардан иборат умумий гапларни тўтиқушдек такрорлашдан тийилиши шарт. Бунинг натижасида билан чора-тадбирларни Онгли бажариш (тушуниб ижро этиш) юзага келади. Шу сабабли Президентимиз мустақил дунёқарашни «кенг фикрлаш, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туриш» деб

таърифлайди.¹ **Адолатли бўлиш.** Президентимиз раҳбарнинг адолатли бўлишини буюк Амир Темур (1336-1405) сиёсатида издош бўлиш деб билади. Темурбекнинг «Куч - адолатдадир» деганлиги ҳаммамизга маълум. Бу билан у зот ҳар бир масала тактик қоидалар ва инсон манфаатларига мос ҳал этилишини назарда тутган. Шу маънода Президентимиз раҳбар адолати деганда «атрофида уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мактовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одабийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқиш» деб тушунади. Чунки раҳбар инсонийлигининг йўқолиши унинг адолат билан ишлашига тўсиқ бўлади.

Ўтмиш сабоқларидан керакли хулосалар чиқариб олиш фуқаролик тамойиллари устун бўлган давлат учун муҳимдир. Собик тузум даврида интизомнинг бўшашиб кетганлиги, «мартабаси улуғ кишиларни» беҳад макташ, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш жамиятга жуда катта маънавий зарар етказган эди. Бундай ҳолларни тўғри таҳлил қилиб, биз ҳақиқий ташкилотчиларни, яхши ўйлаб иш қиладиган, ишнинг кўзини биладиган, мустақиллигимизга садоқатли бўлиш билан бирга пухта билимга эга бўлган кадрларни мумкин қадар эҳтиёткорлик ва чидам билан синаб, билиб олишга ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Кадрларнинг сифат таркибида ижобий ўзгаришлар бўлиши учун уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг энг мақбул усулини қўллаш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси раҳбар ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий савияларини юксалтиришда бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Улар томонидан тажрибали ходимлар билан бирга амалий ишда ўзини кўрсатган ёш, қобилиятли, ташкилотчи, истиқболли кадрлардан ҳам фойдаланиш ва уларни қайта тайёрлаш изчил йўлга қўйилган.

¹ Каримов И.А.. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - провард мақсадимиз. Т. 8. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 359.

Ҳозирги кунда раҳбарлар, хусусан, корхона ва ташкилот раҳбарлари, бир томондан, фан-техника тараққиёти талабларини, иккинчи томондан, ҳар бир меҳнат жамоасида тарбиявий ишлар олиб бориш зарурлигини яхшироқ ҳис этадиган бўлишлари керак. Раҳбарлик ишига ёш мутахассисларни кўйишда, уларнинг ташкилотчилик қобилияти, мафкуравий-тарбиявий ишда қатнашишини, маънавий масъулият жиҳатдан баркамоллигини ҳисобга олиш зарур бўлади. Улар малакасини ошира бориб, янги меҳнат жамоаларида омма ижодига таяниб ишлаши ва ўзлари ҳам ташаббус кўрсатишлари талаб этилади. Кишилар ўзлари яшаб турган реал турмушнинг ҳамма ижобий ва салбий жиҳатларини кўпинча раҳбарнинг шахсияти билан боғлайдилар. Айтиш керакки, бунда муайян боғлиқлик бор. Эскича яшашга интиладиган, ижодий изланиш, жамоа ва давлат орасидаги мажбуриятларнинг тақдири учун юксак масъулият сезиш муҳитини яратиш тўғрисида кам қайғурадиган раҳбарлар ишни барбод қилганликларига, бутун бир жамоаларни орқага судраганларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Афсуски, улар ҳозир ҳам учраб туради. Айрим корхона раҳбарларида узоқни кўзлаб ишлаш - стратегик мақсад етишмайди. Ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг эртанги кунини тасаввур қила олмайди. Бундай раҳбарлар ишчанликни тор амалиётчилик билан, ижодий тадбиркорликни эса сохта уддабуронлик билан алмаштирадилар. Бундай услубнинг нақадар зарарли эканини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси кадрларни танлаш ва тарбиялашни самарали йўлга қўядиган ва бенуқсон амал қиладиган шарт-шароитни чуқурроқ ўрганишга ундайди. Кучли, маънавий масъулиятни раҳбар бировнинг маслаҳатига қулоқ тута олади, шу сабабли унда эртанги кун муаммоларининг олдини олиш имкони туғилади.

Бугун биз кадрлар резервини вужудга келтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ҳар бир раҳбар ўз ходимини қуйидан юқорига кўтариш учун резерв етиштиришни ўзининг бурчи деб билмоқда. Унинг ўз бурчини, вазифасини қанчалик чуқур ҳис этиши, муайян вақтда унинг

ўрнини босишга ҳам қодир кадрларни нақадар ғамхўрлик билан ўз вақтида тайёрлашига қараб белгиланади. Ходимларни танлаш тажрибасини янада яхшилаш учун, резервга киритилган кадрлар ўзларининг меҳнати, қобилиятлари кадрланишини, фаол ва виждонан ишласалар, юқори органнинг мадади ва ёрдамига, хизмат йўлида кўтарилажакларига умид қилишлари мумкинлигини сезишлари лозим.

Зеро, мустақил Ўзбекистонда кадрлар сиёсатининг Президентимиз томонидан илгари сурилган асосий тамойиллари фуқаролик жамиятига оғишмай татбиқ этиш талаб қилинмоқда. Бу талабни ҳаётга аниқ ва пухта жорий этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий юксалишида синчков ақл-заковат, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш муваффақиятлар сари етаклайди. Бу тўғрисида қайғуриш эса бизнинг асосий ва муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши керак.

Одамлардаги боқимандалик, танбаллик руҳи, меҳнат жараёнига катта таъсир ўтказди, бунинг оқибатида, одамларнинг бир қисми илгарилаб кетиши, иккинчи қисми орқада қолиб кетиши содир бўлади. Бу ҳам раҳбар ходимлар учун янги муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижасига эришиш, бошланган ишларни охирига етказиш, одамларда янгича дунёқараш шакллантириш, олдимизда турган вазифаларнинг ўзагини ташкил қилади.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзида бўлган раҳбарларнинг мавжудлиги ислохотларнинг бошланиш даврида унчалик сезилмаган бўлса, ислохотлар қанчалик чуқурлашиб борган сари, жамиятдаги ижтимоий қарашлар янгиланиш томонга силжиган сари, одамларни бошқариш учун янгича дунёқараш зарурати сезила бошланди.

Мустақилликка эришган кунимиздан ҳозирги кунга қадар Президент И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, вилоят Кенгашлари сессияларида сўзлаган раҳбар ходимларнинг маънавий

масъулияти тўғрисидаги маърузалари билан танишар экансиз, беихтиёр раҳбарларимизда учраётган салбий иллатлар илдизи қаерда экани ҳақидаги ҳар бир эркин фикрловчи инсонни чуқур ўйга толдиради. Бу иллатлар кўпчилик раҳбарларда эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги, қолаверса, амалпарастлик, манфаатпарастлик, кўзбўямачилик, ошно-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, шахсий бойлик орттириш йўлида ҳар қандай қабихликлардан қайтмаслиги кўринишларида намоён бўлмоқда. Бундай иллатларнинг мавжудлиги раҳбарнинг маънавий жиҳатдан заифлиги, масъулиятни сезмаслигидадир.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, жамият ҳаётида юз бераётган янгиланишлар раҳбар ходимлар олдига янги-янги масъулликларни вужудга келтириши табиий эди. Шу боис, Президент раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда: у ислохотларни қандай тушунади, замон талабига яраша ташаббускор бўлишга, иш юритишга тайёрийми, деган саволни қўйиш вақти келганлигини, «Янги иш услубига ўтган, миллий истиқлол мафкурасини тўла англаб етган, халқ манфаатлари йўлида кўкрагини қалқон қилишга тайёр раҳбарлар бўлмаса, ислохотлар бир жойда деп синиб тураверишини таъкидлайди». Бинобарин, раҳбар ходим учун ташаббускорлик, илғор меҳнат маданияти тажрибасини жорий этишда фидоийлик, одамлар кайфиятини билиши, уларнинг ташвиши билан яшаш, янги иш жойларини яратиш, халқнинг маънавий ва моддий фаровонлигини таъминлаш» масалалари асосий мезон даражасига кўтарилади.

Хулоса қилиб, замонавий бошқарув усуллари жорий қилиш раҳбар ходимлар маънавий масъулиятини ошириш воситасида кечади. Корхона раҳбарлари, умуман, раҳбар ходимларнинг маънавий масъулияти оширилса ушбу муваффақиятларга эришиш мумкин:

биринчидан, бошқарув усуллари қонунийлик асосида демократлаштириб бориш;

иккинчидан, корхоналарда маъмурий буйруқбозлик бошқаруви ўрнига жамоа бошқарувини жорий қилиш.

учинчидан, раҳбар ходимларнинг бошқарувда маънавий масъулиятини ошириш.

тўртинчидан, бу ишларнинг барчаси янгиланишларни изчил олиб боришни тақозо этади.

II-БОБ. БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ ВА РАҲБАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ ДИАЛЕКТИК АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Бошқарув маънавияти ва раҳбар маънавий қиёфаси ўзаро алоқадорлигининг ахлоқий моҳияти

Мамлакатимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва мақсадларга интилаётган, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда энг аввало раҳбарларнинг вазифасини ҳалол ва малакали бажаришга, қолаверса, фидойилигига кўп нарса боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Президент Ислом Каримовнинг таъбибир билан айтганда: ...одамларни рози қилиш, аҳолининг ташвишларидан узоқ бўлмаслик, унинг дарди билан яшаш ҳар қайси раҳбардан ўз ишига танқидий қараб, мен шу талабларга жавоб беряпманми ёки йўқми, деган саволни ўзига беришни, ўз масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифани ўз вақтида бажариш ва қонунга сўзсиз итоат қилишни тақозо этади.¹

Юртбошимиз раҳбарларнинг жамиятда ислохотларни амалга оширишдаги роли, масъулияти ҳақида бот-бот куйиниб гапиради, ўзини раҳбар деб биладиган шахс, аввало, одамларни яхши кўриши, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиши, ардоқлаши, халқнинг ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлиши лозимлигини таъкидлайди. “Раҳбар бўлмоқчи бўлган одам узоқроқни кўриши ва чуқурроқ англаши керак, - дейди Президент. – Дарҳақиқат, ҳамманинг ҳам пешонасига ёзилмаган раҳбар бўлиш. Раҳбар бўлдингми, барака топкур, энди сенга талаб ҳам, масъулият ҳам бошқача бўлади. Олдинда юрадиган одам зийрак бўлиши, олдинни кўриши, билиши керак. Эртанги кунимиз қандай бўлади? Қандай муаммоларни ҳал қилишимиз керак? Бу саволларга аниқ пухта жавоб топиш учун раҳбар одам сезгир бўлиб, олдиндан чуқур ўйлаши лозим”.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 227-228 бет

Раҳбар кадр, давлат хизматчисининг шахсий сифатлари, фазилатлари макон ва замонда шаклланади. Ҳозирги янги, ўтиш даврида илгари раҳбар кадрларда бўлмаган истиқлол даврига хос фазилатларни тез шакллантириш учун ажойиб имкониятлар мавжуд. Ўзгараётган ижтимоий муҳит, иш услуби, раҳбарлик тарзи, талаблари янги типдаги давлат мулозимлари, раҳбар кадрларни тарбиялаш учун зарур бўлган объектив шарт-шароитни яратди. Галдаги вазифа давлат хизматчиларига қўйилаётган янги талабларни, улар учун зарур бўлган фазилатларни илмий асослаб, таҳлил этиб, умумлаштириб, маънавий-маърифий тарбия, амалий тажриба ёрдамида махсус шакллантиришдир. Ана шунда давлат хизматчилари тафаккуридаги янгиланиш улар орқали халққа, демакки, ҳар бир ўзбекистонликка етиб боради. Жамият тафаккури тезроқ янгиланади, миллат бир жону бир тан бўлиб, ислохотларни тезлаштиради.

Давлат хизматчилари тафаккурини янгилаш икки томонлама жараёндир. У бир томондан, янги, замонавий давлат хизматчиларига хос фазилатларинини махсус, илмий асосда шакллантира боришини талаб қилса, иккинчи томондан, ҳамон баъзан ўз таъсирини кўрсатаётган, собиқ шўро кадрлар сиёсатида “синалган” корпоратив-бюрократик психологияни сиқиб чиқариш талаб қилинади. Бу икки жараённи параллел олиб бориш зарур. Акс ҳолда янги, соғлом тафаккур эски, “синалган” тафаккурга “урилиб”, чекиниши мумкин. Масалан, давлат манфаатини ўз манфаатидек кўриш – давлат хизматчиси фаолиятининг етакчи тамойили эканлиги эътироф этилсаю, бошқарувда учраб турган коррупция, порахўрлик, маъмурий буйруқбозлик, маҳаллийчиликка қарши курашилмаса ана шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Маълумки, шахсий манфаатлар, нафс устуворлигига қурилган бирлашув, уюшиш кучли бўлади. Чунки шахсий манфаат устуворлиги давлат органларига суқилиб кириб олган худбин, юлғич, устамон, лаганбардор, иқтидорсиз шахсларни бирлаштиради. Собиқ шўро тизимида бу бирликнинг тамойили - шахсий садоқат, “мен сизга, сиз манга, давлатни эса қўя турунг” тарзида намоён бўлиб келди. Шахс – давлатдан,

давлат – шахсдан, шахс – ўз меҳнати меваларидан узоқлашди, бегоналашди. Шу сабабли мурасасиз танқид остига олинган шахсий, гуруҳий, маҳаллий, кон-қариндошчилик манфаатларини давлат манфаатидан устун қўйиш каби собиқ шўро тизимида қолган зарарли мерос баъзи ҳолларда ҳамон ўзини эслатиб турибди.

Шахсий манфаатдорлик тамойилига қурилган бу ходисалар ўта яшовчан. Масалан, эски шўро давридаги “қўшиб ёзиш” ходисасини олайлик. Қўшиб ёзиш қўшиб ёзувчиларга нафақат жиноий даромад, балки мукофот, сохта обрў ҳам келтирар эди. Бошқарув органлари назоратининг сустиги маъмурий бюрократиянинг, расмиятчилик, одамларнинг ташвиш-муаммоларига бефарқлик, порахўрликнинг “гуллаб-яшнаш”га шароит яратар эди. Бундан на давлат, на миллат ютар, балки шахсий манфаатдорлик асосида уюшган гуруҳлар ютар, тантана қилар эди.

Шу сабабли, эски кадрлар сиёсати тарафдорлари бугунги янги, давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи меъёрларни тўғри ва шод қабул қила олмайдилар. Аксинча, “синалган” корпоратив-бюрократик бирликнинг барча воситаларидан фойдаланиб, кадрлар ислоҳотига зимдан қарши туришлари табиий. Чунки, Ўзбекистонда давлат тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши – давлат ва миллат учун ҳаётбахш бўлиб, бош ислоҳотчи, яъни давлат ва халқ манфаатлари устуворлигини таъминлайди, гуруҳбозлик, коррупцияга таяниб, ўз шахсий манфаатларини, ҳақлақ отган нафсларини давлат хазинаси ҳисобига қондирувчи, оёғи ердан узилган мансабдорларни бошқарувдан сиқиб чиқаради. Шундай экан, улар ўзларини ҳимоя қилишга тушадилар ва ўз корпоратив манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашишга интила бошлайдилар. Шу тариқа нобоп давлат хизматчилари билан давлат, миллат манфаатлари орасида номутаносиблик юзага келади.

Президент асарларининг таҳлили мазкур муаммоанинг маънавий илдизларини очиб беради. Яъни, Президент давлат бошлиғи сифатида ўз асарларида мустақил Ўзбекистон шароитида раҳбарлардан талаб этиладиган, замонавий раҳбар мезонларига зид бўлган салбий сифатлардан қутилишни,

иждобий фазилатларни ўзларида шакллантиришни талаб қилмоқда, яъни “....рахбар кенг миқёсда фикрлаши ва узоқни кўриб иш тутиши лозим. Бугунги шиддатли ҳаёт эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларга тайёр бўлиб, уларнинг ечимини доимо ўйлаб яшашни талаб қилади.

Рахбар талабчан ва қаттиққўл бўлиш билан бир қаторда, албатта, инсофли ва адолатли бўлиши, қўлга киритган ютуқлардан, атрофдаги лаганбардорларнинг хушомадгўйлигидан бузилмаслиги, оёғи ердан узилмаслиги, нафс балоси ва манманликка берилмаслиги даркор.¹ Бу эса – янги кадрлар сиёсатининг марказий, бош мақсади ва вазифасини бевосита белгилаб беради. Энди “олий маълумотли-ку, демак, у маънавийли бўлади-да” деган эскича, ноилмий қарашдан қутила билиш зарур. Зеро, айрим рахбарларда (уларнинг барчаси олий маълумотли мутахассислардир) ҳамон мавжуд бўлган ва Президент танқид қилаётган сифатлар буни тасдиқлайди.

Бошқарув тизимини қарор, буйруқ, кўрсатма, фармойишларсиз кўз олдига келтириш қийин. Бироқ, бюрократ рахбар бу ҳужжатлар кундалик фаолият учун дастуриламал эканини унутади ва ҳамма нарсага бир қолип нуқтаи назаридан қарайди. Ваҳоланки, ҳаётда ҳар хил сабаблар туфайли пайдо бўладиган ранг-баранг муаммоларнинг барчаси ҳамма вақт ҳам ана шу кўрсатмаларда белгиланган меъёрларга мос тушавермайдию бошқа сўзлар билан айтганда, меъерий ҳужжатлар рахбар бевосита ўз фаолияти давомида учраши мумкин бўлган барча вазиятларни акс эттира олмайди. Бундай вазиятларда рахбардан дадиллик, масъулиятни бўйнига ола билиш, мустақил иш тута олиш, ташаббускорлик фазилатлари талаб этилади. Бюрократ рахбар эса бунга қодир эмас. Унда масалага бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, иждодий ёндашиш кўникмаси йўқ. Шу сабабли, у хусусий ечим зарур бўлган жойда ҳам умумий талабга ёпишиб олади ёки ҳужжат қатламларидан ўз ҳаракатсизлиги, ҳеч нарса қилмаслик учун асос излайди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 240-бет

Лекин бундай ёндошувдан на фуқаро, на давлат манфаат кўради. Чунки, бунинг оқибатида мавжуд муаммо ечилмасдан қолаверади. Бюрократ раҳбар эса “мен масалани кучим етганича ҳал этдим” деб ўзини овутади. Лекин, ўзингиз тасаввур қилинг, бундай ёндашув натижасида туман миқёсида ташвиши ҳал бўлмаган аризачи вилоятга чопади. Вилоятда ариза соғлом фикрловчи мулозим кўлига тушса-ку, муроди ҳосил бўлар. Аксинча бўлсачи, у яна сарсон бўлиб пойтахт сари юзланади. Шу тариқа жамоа хўжалиги ёки тумандаги тегишли ирода ҳал этилиши лозим ва мумкин бўлган муаммо пойтахтдаги марказий идораларгача етиб боради. Бундай вазиятда бир, икки бюрократ раҳбарнинг ўз вазифасига совуққон муносабати туфайли вужудга келади.

Яна бир мисол. Билсангиз, “юқори”га яхши кўриниш учун “кўшиб ёзиш” – шўро иқтисодиёти, бошқарув амалиётининг кўзбўямачиликка асосланган асосий кўринишларидан бири эди. Бу, аслида бюрократиянинг мумтоз “кашфиёти”. Давлат режасида фалон кўрсаткичга эришиш кўзда тутилган, амалдаги “бор” кўрсаткич эса паст. Шу маънода тоталитар тузум даври бошқарувида ҳеч қандай меёрларга тушмайдиган иш юритиш усуллари шаклланган эди. Бундай салбий тенденциялар истиқлол йилларида ҳам айрим раҳбар шахсларнинг “яхши кўрган” хислати бўлиб қолаётганлиги кишида ташвиш уйғотмай қолмайди. Уни ҳал эитш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаяпти ва Президент Ислон Каримов бу масалага қайта-қайта тўхталишига мажбур бўлмоқда.

Шундай қилиб, Ислон Каримов раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда асос бўлувчи фазилатларни ишлаб чиқди. Уларнинг бугунги илм-фанютуқлари билан уйғунлиги аҳамиятлидир. Бу фазилатлар кўйидаги ҳарактерли хусусиятларга эга:

- Раҳбар шахс маънавияти инсоний фазилатлар асосида шакллантирилади. Бунда инсоний маданият ва миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим ўрин тутди.

- Президент талабидаги раҳбар шахс маънавиятига асос бўладиган фазилатлар жаҳондаги замонавий бошқарув илми хулосаларига жуда мосдир.
- Раҳбар шахс маънавиятида замон талабларига ҳозиржавоблик илк режада туради.
- Раҳбар шахс маънавияти ўзбек бошқарув илмида илк бор илмий-назарий ва тажрибавий жиҳатдан асослаб берилди.

Раҳбар ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини-ўзи камол топтириш, мустақил билим олиш, маънавий дунёсини узлуксиз равишда такомиллаштириш устида саъй-ҳаракат қилса, демакки унинг истиқболи порлоқ. Лекин, унинг ўз фаолиятини назорат қилмаслиги, баҳоланмаслиги ва керакли хулосаларни чиқара олмаслиги ўз устида ишлашга бўлган истакни пасайтиради, лавозимига нисбатан совуққонлик, лоқайдлик шаклланади. Шу соҳада ва тизимда фаолият кўрсатган ҳамкасбларнинг маслаҳатлари, ишга муносабатлари уни сустрлаштиради, аста-секин фаоллик йўқола боради.

Янги ахборотлар олишга қизиқишнинг камайиши, муайян кўникмаларни эгаллашга бефарқлик камолотга интилиши йўққа чиқара бошлайди. Охир-оқибат, ўз устида ишламаган, ўзини-ўзи камол топтиришга интилмаган раҳбар бугунги кун талабига жавоб бера олмайди, натижада у раҳбарлик майдонини тарк этади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил муаммолар тинимсиз пайдо бўлиб туради. Уларни бартараф этиб ёки хал этиб бормасдан ишни ривожлантириш мумкин эмас шу нуқтаи-назардан нотаниш, янги, ностандарт ёндашишни тақозо этувчи, янгича ечимни талаб қилувчи, ижодийликка асосланувчи воситалар билан қуролланган раҳбарнинг бош вазифаси ҳисобланади.

Янги технология, янгича жиҳозлаш, оригинал қурилмалар, компьютерларнинг янги моделлари, универсал электрон ҳисоблаш машиналари раҳбардан улардан фойдаланиш малакаларини тинимсиз ошириб боришини тақозо этади. Акс ҳолда раҳбар тараққиётдан орқада

колади. Ўз-ўзидан маълумки, замондан орқада қолган қоқоқ раҳбар корхона ва унинг ривожини учун ҳеч қандай ҳисса қўша олмайди.

Бозор иқтисодиёти ижодий изланишни тақозо этади, ҳаминча янги технологияларни ишлаб чиқишни, уларни амалда жорий этишни талаб қилади. Ижодий фикр, ижодий режалар, улуғвор ғоялар замон руҳи билан ҳаммаҳангликда бўлиши лозим. Ижодий ёндашувга ноқодирлик ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Ижодий ёндошув, ижодкорлик руҳи раҳбар фаолиятига бегона бўла бошлар экан, демак нуқсонлар юзага келади, ишлаб чиқариш заифлашади, сифат пасаяди, ижтимоий-психологик муҳит бузилади.

Раҳбарнинг салоҳияти, умумий маданияти, муомала қонун-қоидаларини ўзлаштирганлиги, нотиклик маҳорати, мустаҳкам иродаси, ростгўйлиги, ғамхурлиги, ишчанлиги ва бошқа шахсий фазилатлари кишиларга таъсир ўтказишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Ва, аксинча, раҳбар обрў-эътиборининг пасайиши, унинг нутқидаги нуқсонлар, иқтисодий муносабатларни ҳал қила олмаслик, қатъиятнинг заифлашуви, ҳуқуқ-атвордаги камчиликлар унинг жамоа аъзоларига таъсир ўтказиш даражасини кескин тушириб юборади.

Бошқарув фаолияти жуда мураккаб жараён бўлиб, у молиявий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий, тарбиявий функцияларни ўз ичига олади. Шу билан бирга у “инсон-инсон”, “инсон-табиат”, “инсон-образ” каби қатор ижтимоий муносабатларини акс эттиради.

Раҳбар фаолиятининг ҳар бир жабҳаси ва функцияларини юқори даражада эгаллаш орқали юксак мартабага эришади. Лекин у раҳбарликнинг у ёки бу томонини тушунмаса, корхонада ишлар юришмай қолади, корхона фаолиятида бир ерда деп саниш юзага келади.

Раҳбарлик муайян тузилишга, ўзаро боғланишга эга бўлган мураккаб шахслараро муносабатни тартибга солиш, бу муносабатларни мақсадга хизмат қилдириш ҳамдир. Бундан ташқари, раҳбар молиявий, тарбиявий ва бошқа қатор функцияларни бажаради. Бунинг учун эса маълум касбий

малакаларини эгаллаш лозим, акс ҳолда уларнинг заифлиги раҳбарлик ишини қийинлаштиради.

Тажриба орттириш, илғор тажриба ва намуналардан фойдаланиш, тинимсиз малакани ошириб бориш, бошқарувнинг янги, илғор услуб, восита, йўл-йўриқларини ўзлаштириш орқали чинакам раҳбарлик қилиш мумкин, холос. Раҳбар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, ўз муассаса ёки ташкилотда муомала мароми тўғри белгилашда, тартиб-интизомни назорат қилишда, истикбол режасини аниқ белгилашда, ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдори ва сифатини ошириб боришда, қайта ишлашни амалга оширишда ва шу каби муаммоларни ҳал қилишда қийналаётган бўлса, бу унинг раҳбар сифатидаги малакасининг заифлигидан далолат беради.

Шу маънода Ислом Каримов асарларида раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришнинг қуйидаги асослари кўрсатиб ўтилган:

1. Ижтимоий-иқтисодий асослар. Барча соҳаларда кузатилганидек, Ўзбекистонда раҳбар шахс маънавиятининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий асослар мавжуд. Ҳар бир давлат ва жамоат ташкилотларида ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун маблағлар ажратилади. Мақсадли ажратиладиган бу маблағлар бюджет ҳисобидан ва ташкилот-корхоналарнинг даромадлари ҳисобидан шакллантирилади. Бундан ташқари, ходимлар малакасини ошириш ва қайт тайёрлаш учун банклар имтиёзли кредитлар тизимини йўлга қўйган. Шунингдек, ходимлар ўз ташаббуслар билан хусусий тартибда маблағлари ёки хомийлик манбалари асосида ҳоҳлаган ўқув курсларида ўқишлари мумкин. Раҳбар шахслар, умуман фуқароларнинг маънавиятини шакллантиришга қаратилган ҳар бир чора-тадбирлар давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантиради. Бу ижтимоий-иқтисодий асослар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришга қаратилган ҳар бир чора-тадбирлар давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бу ижтимоий-иқтисодий асослар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ва ўз самарасини

бермоқда. Чунки, бу борада Президент 1990 йилдаёқ бу борада ўзининг катъий фикрини шундай ифодалаган эди: “Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим... Бу соҳада хасислик ярамайди”. Шу сабабли, ҳар бир бошқарув органи ходимлари маънавиятини оширишга йўналтирилган маблағлар ажратишни биринчи галдаги вазифалардандир. Мақсадли йўлга қўйилган бу йўналиш ўзининг кутган самарасини бермоқда. Шуниси эътиборлики, бу асосларни яратиш изчил характер касб этган.

2. Ҳуқуқий асослар. Раҳбар шахслар маънавиятини шакллантиришда ҳуқуқий асосларнинг ўрни бекиёсдир. Бу борада Ўзбекистонда етарли даражада ҳуқуқий база мавжуд. Ушбу ҳуқуқий асослар халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда яратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Конституция (Асосий Қонун);
- Конституциявий қонунлар;
- Қонунлар мажмуи, жумладан асосийси Маъмурий Кодекс;
- Тегишли меъёрий-расмий ҳужжатлар.

Бу қонун ва меъёрий ҳужжатларда раҳбар шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, мажбуриятлари ва ваколатлари белгилаб қўйилган. Улар раҳбар шахс раҳбар маънавиятини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, раҳбар шахс маънавиятида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият муҳим ўрин тутди. Президент таъкидлаган “ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган ... эркин шахс”¹ гуруҳига раҳбар шахс ҳам мансуб. Бу ҳуқуқий асослар раҳбар шахсга ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият маърифатдан сабоқ беради. Буюк Амир Темур: “Қонун бор жойда эркинлик бўлади”, деган экан. Раҳбар шахс маънавияти ана шу эркинлик воситасида шаклланади. Натижада, кишида мустақил фикр ва дунёқараш ҳосил бўлади. Бу маънавиятнинг биринчи элементларидандир.

3. Маънавий-маърифий асослар. Раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришдаги маърифий-асослар бир неча турда мавжуд. Улар:

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 9.

- ўтмиш маънавий мероси;
- Президент Ислом Каримов асарлари;
- Миллий истиқлол ғояси;
- Илмий-назарий манбалар.

Биз минглаб йиллар мобайнида яратилган жуда бой маънавий меросга эгамиз. Айниқса, бу борада Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Абулхолиқ Ғиждувоний, Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Азизиддин Насафий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Тавалло ва Абдулла Қодирий кабиларнинг асарлари айниқса, муҳим ўрин тутди. Чунки, бу буюк аждодларимиз ва улар яратган асарлар 130 йил давом этган мустамлакачилик шароитида унут бўлаёзган тарихий хотирани тиклашда аҳамияти каттадир. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкилдаганидек: Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли шўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.¹

Президент Ислом Каримов асарлари раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бугунга қадар давлатимиз раҳбарининг 21 жилдлик асарлари нашр этилди. Уларда раҳбар шахс маънавиятнинг концептуал асослари баён қилиб берилган. Шу маънода бу жамиятимизда кечаётган туб ислохотларнинг, хусусан, маънавият соҳасидаги ишларнинг “пировард мақсади – иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир”.

2000 йилга келиб, Ислом Каримов томонидан 1989-1999 йиллар (ўн йил) давомида баён қилинган ғоялар ва қарашлар асосида, миллий ва

¹ Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. <http://xs.uz/index.php/madaniyat/item/1084-ajdodlari>

умуминсоний қадриятлардан қувват олган, халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон миллий истиқлол ғоя ва мафкураси ишлаб чиқилди.¹ Миллий истиқлол мафкурасини ташкил этувчи ғоялар бутун жамият аъзоларини бир мақсад йўлида бирлаштириш билан бир каторда, жумладан, раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда асосий ўрин тутди. Булар қуйидагилардир:

- Ватан равнақи;
- Юрт тинчлиги;
- Халқ фаровонлиги;
- Комил инсон;
- Ижтимоий ҳамкорлик;
- Миллий тотувлик;
- Динлараро бағрикенглик (толерантлик).

Бу ғоялар раҳбар шахс маънавиятининг ҳам асосий элементларидир.

Ўзбек илм-фанида истиқлол йилларига келиб бир қанча илмий-назарий асарлар яратилди. Уларнинг аксариятида маънавият масалалари ёритиб берилган. Улар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда илмий-маърифий асослар бўлиб хизмат қилади. Миосл учун, профессор М.Имомназаров ёзади: “Маънавиятимизнинг асос қирралари – эътиқод ва ибрат, илм ва мантикий тафаккур, ҳақиқат йўлида руҳият сафарбарлиги ва ирода қудрати, пок инсоний меҳр ва ижтимоий фаолликдир”. Бу каби илмий-маърифий қарашлар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда муҳим асослар бўлиб хизмат қилади. Зеро, бу маънавий-маърифий асослар раҳбар шахс маънавиятини шакллантиришда бирламьяи манбалар ҳисобланади.

¹ Миллий истиқлол Ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.

2.2 Ахлоқий тамойиллар раҳбар маънавий қиёфасининг асосий омили

Бизга маълумки фан оламида раҳбар фаолияти билан боғлиқ муаммолар этика фани доирасида ўрганилиб келинмоқда. Этика – бу ахлоқий таълимот. Унинг асосий категориялари “эзгулик,” “яхшилик,” “адолат”, “виждон” “бурч” ва ҳақозалардир. Этика одат, кўникма, инсоннинг у ёки бу хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги энг яхши одат турларини ўргатади, тавсияларни беради. Касб этикаси ва раҳбар фаолиятига боғлиқ ахлоқий меъёр ҳам этика фанининг асосий объектларидан ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбар маданиятининг ахлоқий жиҳатларига оид ўз мулоҳазаларида айрим раҳбарларда учрайдиган қусурлар ҳақида тўхталар экан, баъзи ўринларда раҳбар шахсларнинг инсон сифатидаги ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, гоҳида юз берувчи нозик жиҳатлари ҳақида ҳам ўйланади. Жумладан, Тошкент вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашувда, «Раҳбар ҳам одам. Унинг ҳам қариндош уруғи, дўстлари, ўзига яраша шахсий ташвишлари бор. Лекин раҳбарлик маъсулияти шундаки, у аввало эл-юрт тақдири учун жавобгар. Ҳадиси Шарифда таъкидланганидек, раҳбарликнинг мақоми элу-юртга оталиқдир. Оқил ота эса фарзандларини ҳеч қачон яхши ёмонга ажратмайди. Барчасига тенг кўз билан қараб, уларни бошини қовуштириб, пировардида хонадон ободончилигига эришади. Бунинг акси бўлган жойда халқ орасида адоват тушади, қарама-қаршилик кучаяди, иш эса орқага кетади, одамларнинг бири-бирига ишончи йўқолади, турли қинғир ишларга йўл очилади»,¹ деган фикрини илгари сурса, 1995 йил 10 январда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқида, «ҳар қайси раҳбар - авваламбор инсон. Инсоннинг ўзига ҳос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардир», -деб таъкидлайди. Зеро, раҳбар маданияти бу каби қусурларнинг таркиб топишига

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан еолсин. Т. 20. – Т.: Ўзбекистон, 2012. Б. 203.

йўл қўймайди. Чунки раҳбар маънавий-ахлоқий қиёфаси ушбу хислатларда жамулжам бўлади:

- Шахснинг ақлий, ахлоқий ва руҳий жиҳатдан раҳбарликка мослиги;
- Маънавий-маданий қиёфасининг юксаклиги.
- Раҳбарлик салоҳиятини ҳис эта олиш.
- Раҳбарлик маданияти, ўз тажриба ва малакасини мунтазам ошириб бориш.
- Ўзликни англаш, тарих ва миллий қадриятларга муносабати, миллий ғурури, ифтихори, миллий истиқлол ғоясига содиқлиги.
- Ижтимоий ҳаётда ҳалоллик, адолат, қонунчилик ва ҳақиқатга таяниши.
- Бошқарувда демократик тамойилларни қўллаш олиш қобилияти.
- Ўз манфаатини халқ-одамлар манфаати билан уйғун қўриши, жамият манфаатини кўзлаши.
- Фаолиятда манфаатпарастлик, шахсиятпарастлик, боқимандалик, маҳаллийчилик, таъмагирлик каби иллатларга муросасиз кураш олиб бориш.
- Кадрлар заҳирасини яратиш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ҳалол, ҳақиқат юзасидан уларни жой-жойига қўйиш.
- Эл-юрт фаровонлиги, халқ бахти, ватан равнақи йўлида фидокор бўлиш.

Бу каби хислатлар асосида корхона раҳбарининг ахолқий қиёфаси шакллантирилиб борилади. Дейлик, раҳбар учун муомала маданиятини эгаллаш - бу дегани одамлар ишончини қозониб, уларнинг қалб дунёсига киришдир. Шундагина раҳбар одамлар меҳрини ва ишончини тўла қозона олади. Агар бунинг акси, одамлар кўнглини тополмаса, у катта хазинани йўқотади, келажакда бундай раҳбарни аччиқ қисматлар кутади.

Раҳбар ходим оддий кишилар билан инсоний ва мўътадил муносабатда бўлиши лозим. Бундай муносабат одамларнинг раҳбарга эркин мурожаат қилишига олиб келади. Натижада корхонада ортиқча муаммолар ва тушунмовчиликлар юзага келмайди, иш суръати ошади, жамоада муҳит

барқарор бўлади. Юртбошимиз халқ депутатлари Андижон ва Сурхандарё вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида айнан раҳбар ходимларнинг оддий одамларга нисбатан манманлик муносабатлари ҳақида куйиниб гапирадилар. Раҳбар ходимнинг манманлик ва кибрли муносабати унинг маданиятсизлигини кўрсатади. Бу ҳол аввало, раҳбар ходимнинг ўзига, қолаверса, жамоага салбий таъсир кўрсатади.

Раҳбар ходим мураккаб, баҳсли ва тортишувлар шароитида оқиллик ҳолатида бўлиши керак. Ақлга суяниш ортиқча хатти-ҳаракатлардан сақлайди. Раҳбар ходим ўзини тута билишида жамоага ўрнатилган бўлиши керак. Акс ҳолда, раҳбар ходимнинг ўрни тута олмаслиги жамоада ноқулай кайфиятни келтириб чиқаради ва раҳбар образига зиён етказади. Зеро, бу маданий фазилатлар раҳбар ходим томонидан тажриба воситасида изчил ўзлаштирилиб борилиши керак.

Дунёда касбий меҳнатнинг кўп турлари мавжуд ва улар муайян соҳалар ва тармоқларга ажратилган ҳолда бошқарилади, назорат қилинади. Айтиш жоизки, ҳар бир касб ва у бириктирилган бошқарув тармоғи ёки соҳасининг ўзига хос маданий-ахлоқий анъаналари мавжуд. Лекин бугунги ҳаёт тажрибаси ҳанузга қадар кўплаб соҳалар қаторида бошқарувда ҳам ахлоқнинг меъёрий ёки қонуний талаблари ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. Чунки ҳеч бир луғатда “бошқарув ахлоқи” кодекси ёки меъёри тушунчасига дуч келинмайди, ваҳоланки шифокорлар ахлоқи, педагогик ахлоқи, ҳуқуқшунос ахлоқи, ҳарбийлар, сиёсатчилар ва бошқалар ахлоқи ҳақида фикрлар жуда кўп билдирилади. Буни илм-фанда алоҳида ўрганиш керакми йўқми деган масаланинг ўзи ҳозирча мунозаралар доирасидадир. Бу ўринда Қ.Назаров томонидан билдирилган қуйидаги фикр мақсадга мувофиқдир: “... у ёки бу фан соҳаси ҳақида фикр юритилганида, унинг вужудга келишида қайси мамлакат ёки ҳудуд муҳим рол ўйнаганлиги, ёхуд фаннинг номи ғалатироқ эшитилиши асосий мезон сифатида қаралмаслиги лозим... Балки масала ана шу фаннинг аҳамияти, замона талабларига жавоб

бериши, даврнинг муаммоларини ечишда бирор бир соҳада қўл келиши, жамиятга фойдаси тегиши тўғрисида” бўлиши зарур.

Бошқарув хизмати ва умуман, раҳбар фаолиятини баҳолашда ахлоқ масалалари жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра бу масалада ахлоқнинг нима сабабдан ва қай тарзда бунчалик муҳим ўрин эгаллашини англаш учун “ахлоқ-одоб” тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Амалда кўпинча “ахлоқ” сўзи “одоб” тушунчаси билан биргаликда қўлланади. Таъкидлаш жоизки, айнан маънода “ахлоқ” ва “одоб” тушунчалари синонимлардир, аммо бу тушунчаларни ажратувчи нуктаи назарлар ҳам мавжуд. Шу каби “этика” тушунчаси ахлоқий муаммолар доирасида тез-тез учраб туради. Одоб-ахлоқ объектини фалсафий ўрганиш этикани шу фаннинг таркибий қисмига айлантирган. Айнан этикада ахлоқ феноменининг умумий таърифи берилган, унинг тоифалари асосланиб, меъёрлари тавсифланган. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- ижтимоий онгнинг махсус шакли ва муносабатларнинг тури;

- шахс ёки инсонлар жамоасининг яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждон, ҳаётдаги мақсад ва интилишлар, манфаатлар ва ҳоказолар тўғрисидаги бир хил қарашлари;

- ижтимоий муносабатлар тури сифатида жамиятда объектив равишда мавжуд бўлган алоқаларни ўз ичига олган қарашлар тизими;

- ижтимоий алоқаларда аниқ ахлоқий тамойилларга, меъёрларга, жамоатчилик фикри, анъаналар, урф-одатлар, кўникмаларга асосланиш.

Раҳбар этикаси кўплаб илмий доираларда турлича атамалар, илмий тушунчалар билан ишлатиш тажрибаси мавжуд. Масалан, ғарбда ёки русларда “этика руководителя” “Етическое отношение руководителя”, “моральное основы управления и руководителя” деган тушунчалар ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлсада, мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоси бир хил. Морал – ахлоқ, нравственность – ахлоқийлик, этика – одоб тушунчаларини беради. Масалан, этика ахлоқдан фарқли ўлароқ масъулият юкламайди. У ёки бу ҳолатда инсон ўзини қандай

тутиши тўғрисида тавсия беради. Этика конкрет вазият ва ҳолатга қаратилган бўлса, ахлоқ умумий кўриниш касб этади.

Ахлоқ – бу инсоннинг амал қилиши лозим бўлган нормалар тартиби, муносабатларнинг ижтимоий шакли. Ахлоқ одамлар риоя этиши лозим бўлган инсонпарварлик ғояларининг идеал ифодаси. Ахлоқ одамларни бирлаштиришга, жипислаштиришга, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган қадриятларда намоён бўлади¹.

Кундалик турмушда инсон бошқа одамлар билан турли даражадаги муносабатларга дуч келади. Унда у маълум қадриятларга асосланиб хатти-ҳаракатини куради. Жамият ҳам шундай зарурий муносабатлардан ташкил топган. Бу эҳтиёж ахлоқий нормалар негизида тартибга солинади. Инсон нафақат доимий такомиллашиб, ривожланиб боришга, балки, тафаккур эгаси сифатида яхшини - ёмондан ажратадиган ахлоқий мавжудот ҳам. Шунинг учун ахлоқ инсоннинг шахсий қадриятига айланганда, унинг аниқ фаолияти ва хатти-ҳаракатларига кўчиб ўтганда реал йўналтирувчи кучга, бурчга айланади. Мазкур муносабатларсиз ахлоқнинг мавжудлигини таъминлаб бўлмайди. Айнан шу хусусиятлар ахлоқнинг жамиятда бир хил қоидалар асосида яшаётган турли манфаатли муносабатларни тартибга соладиган ижтимоий функциясини ифода қилади.

Аммо, масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, ахлоқ ҳар доим ҳам реал ижтимоий ҳаёт талабларига, айни пайтда одамларнинг ҳам кундалик хатти-ҳаракатларига мос келавермайди. Мазкур қарама-қаршилик ва зиддиятли муносабатлар замирида инсон хатти-ҳаракатларининг моҳияти яширинади. Бир томондан инсон жамиятда ахлоқий нормалар асосида яшашга интилади ва иккинчи томондан кўп ҳолларда ахлоқий нормаларни бузишга олиб келадиган шароитда ўз эҳтиёжларини қондиришни истайди. Идеал ғоялар ва амалий ҳаёт талаблари ўртасидаги ички ихтилофлар ҳаётнинг турли соҳаларида доимо мавжуд бўлади. У, кўпроқ бевосита ишчи

¹ Черноскутов В.Е, Парфёнова И.Ю, Ступак И.М – Этика деловых отношений. Новосибирск: 2008. - 9 с.

мулоқотлар мобайнида намоён бўлади. Чунки, мулоқот даврида шахс ижтимоилашуви ва ўз-ўзини ифода қилиш жараёни кечади.

Мулоқотлар турли кўринишда амалга оширалади. Улар шахслараро, ижтимоий, оммавий, касбий, ишчи ва раҳбар – ходимлар ўртасидаги ва яна кўплаб бошқа хилма-хил мулоқотлардан ташкил топади. Унинг асосий вазифаси ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш, шахсий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, одамларнинг бир-бирларини ўрганиш каби функцияларни қамраб олади. Тадқиқотимиз мавзуси раҳбар-ходимларнинг ишчи мулоқотларида ахлоқий муносабатларни ташкил этиш масалаларига қаратилади. Ишчи мулоқот хусусияти шундан иборатки, у маълум бир тур ва соҳа фаолияти нуқтаи-назаридан келиб чиқади. Расмий муносабатлар эса, мулоқотнинг ёки хатти-ҳаракатларнинг маълум норма ва стандартлар асосида ташкил этиш эҳтиёжини тўлдиради. Аниқроғи, раҳбар ва ходим ахлоқий нормаларсиз мулоқотга кириша олмайди. Айнан ана шу нуқтада барча бирдек амал қилиши лозим бўлган муносабатларнинг этикавий алоқалари вужудга келади.

Ҳар бир раҳбар ўзи учун мулоқотнинг этикавий тартибларини ўзлаштиради, шахсий фазилатлари ва тажрибалари билан бойитади, манфаат ҳамда эҳтиёжлари доирасида ундан фойдаланади. Муҳими у, ўз-ўзини баҳолай олиш, ташқаридан кузатиш, хатти-ҳаракатларини мунтаазам равишда таҳлил қилиш, танқидий баҳо бериш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Ўзига баҳо бера олиш қобилияти шахснинг ички интизомини мустаҳкамлайди, мақсад-муддаоларининг мантикийлигини белгилайди, мулоқот мақомини оширади, туғилиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф қилади, ихтилофларнинг олдини олади, мураккаб вазиятлар ечимини топади, суҳбат мавзусини ижобий ўзгартиришга эришади. Натижада салбий эмотсиалар қаршилигини тўсувчи соғлом руҳий муносабат қарор топади.

Мазкур этикавий нормаларга амал қилиш, зеро, унинг талаблари ахлоққа нисбатан нисбий кўриниш касб қилсада, профессионал хизмат доирасида мувофақиятга эришиш гарови бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий мулоқотнинг турлари:

- бошқарув этикети
- дипломатик этикет
- ҳарбий этикет
- умумфуқаровий этикет
- ишчи этикет
- касбий этикет
- раҳбар этикети ва ҳ.к.

Шундай қилиб, раҳбар маданияти, бошқарув маданияти, расмий муносабатлар тартиби, жамоанинг ахлоқий нормалари, жорий этилган одоб, хулқий ва ихтилофларни ҳал этиш тартиблари, ходимларнинг шахсий ва меҳнат ҳуқуқлари, ишдан ташқари шахсий муносабатларнинг маданий даражаси раҳбар ахлоқини ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади. Раҳбар ахлоқини ўрганувчи предметлар фалсафа, сотсиология, маданиятшунослик, психология, политология ва бошқа яна бир қанча фанлар киради.

Раҳбарнинг жамоага нисбатан маданиятлилиги, халқпарварлиги, яъни кишиларга эътибор ва ҳурмат қуйидагиларда намоён бўлади

- Кишиларга хайрихоҳ ва илтифотли бўлиш;
- Олижаноблик ва беғаразлик, холислик;
- Кишиларнинг қадр – қимматига етиш;
- Фуқаролик ва касбий бурчини бажариш;
- Одамларга ишонч кишиларнинг ўз кучига қобилиятига бўлган ишончини қўллаб – қувватлай олиш уни шахсий камчиликларини бартараф қилишга йўналтира билиш;
- Юқори нутқ маданиятига эга бўлиш ва ташқи кўринишдаги озодалиги;
- Хушмуомалалик;

- Сиполик;
- Камсуқумлик;
- Вазминлик;
- Андишалилик;
- Меҳнат ва дўстликдаги шерикчиликда ўзаро ёрдам ва қўллаб - қувватлаш;

- Ҳозиржавоблик ва мажбурийлик сўзсиз бажаришлик;
- Принципиаллик ва ишонч;
- Талабчан. Раҳбарнинг жамиятга нисбатан маданиятлилиги.
- Юқори даражадаги фуқаролик ватанпарварлик ва байналминаллик.

Жамият бахт – саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш жамият бойлигини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш.

1. Раҳбарга қўйиладиган талаблар:

- Маънавий етуклик;
- Ҳуқуқий етуклик;
- Ахлоқий етуклик;
- Юқори савия ва онг;
- Маърифатчилик;
- Маданиятлилик;
- Ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қодирлик;
- Топширилган иш учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш ҳалоллик;
- Шахсий манфаатларни жамоа манфаатларига бўйсундиришга қодирлик;
- Кишиларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш;
- Ташаббус ва илғорликни қўллаб – қувватлаш қобилияти;
- Принципиаллик;
- Танқидга чидамли бўлиш ўз – ўзини тадқиқ қила билиш.

Интизомга ва меҳнатга бўлган муносабат:

- Меҳнатсеварлик;
- Жамоа уртасида интизомни йўлга қўя билиш;

- Атрофдагиларни меҳнатсеварликни тарбияла билиш;
- Бир ношуд раҳбарнинг беғамлиги юзлаб минглаб кишилар тақдирининг бедахл таъсир этиши мумкин.

Билим даражаси:

- Иқтисодиётни билиш;
- Техника ва технологияни билиш;
- Истиқболни илмни функциялари ва структурасини билиш;

Ташкилотчилик қобилияти:

- Ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлай олиш;
- Қўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашни билиш;
- Жипслашган жамоани вужудга келтира олиш мақсад сари интилувчанлик;
- “Ёмон корхона ёки ташкилот йўқ, лекин ёмон раҳбарлар бор”. Бу ибора шуни билдирадики ёмон ишлаб турган корхонага жамоани яхши бошқарадиган, ташкилотчилик қобилияти юқори меҳнатсевар талабчан, билимдон раҳбар корхонани тезда яхши корхонага қўшади.

Бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш:

- Бошқаришни коллегиял тарзда ташкил қила олиш қобилияти;
- Иш ҳақида қисқа ва аниқ гапириш ва қобилияти ишга оид хат, буйруқ фармойишлар ёза билиш турли манбалардан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти;
- Раҳбарларни ва қўл остидагиларни тинглай билиш қобилияти;
- Асосланган қарорларни мустақил ва тез қила қилиш қобилияти;
- Бошқариш структурасини такомиллаштириб бориш қобилияти ва бошқалар.

Яна шунингдек раҳбар нутқ ва мулоқот маданиятини, нотиқлик санъатини пухта эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти деганда куйидагилар назарда тутилади: Сўзлаш (жумладан, омма олдида)

санъати.Тинглаш қобилияти. Сухбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар кўл остида ишлайдиганлар)ни обектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари. Ҳар қандай одам билан муносабат ўрната олиш ва ўзаро манфаатдорлик асосида унга самарали таъсир ўтказа олиш.

Нотиклик санъатини яхши эгаллаган раҳбар сўз кудратидан фойдаланиб одамларни ўзига қаратишга, улар учун ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Бу эса осон иш эмас. Буюк Рим нотиғи Ситсерон шундай деган эди: “Сухандонлик шундай сифатки, унга осонликча эришиб бўлмайди ва жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади”. Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиклик назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради. Шу ўринда бир ҳикматли сўзни айтиб ўтишни лозим топдим: “Раҳбарлик осон иш эмас. Ҳавас қилган билан иш бирмас”. Дарҳақиқат раҳбарлик осон иш эмас. Хадиси шарифда мамлакатни бир кун одилонга бошқарган подшонинг иши 60-70 йил ҳаж қилишдан афзалдир дейилгани ҳам бежиз эмас албатта.

Раҳбарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзлари ҳамиша атрофдагиларнинг диққат-еътиборида бўлиб келади. Баъзан, ўз-ўзимга раҳбар қандай бўлиши керак, деган саволни берар эканман, бу саволимга улуғ аجدодларимизнинг пурмаъно ҳикматлари ва ибратли ҳикояларидан жавоб излайман. Назаримда, раҳбар аввало ўз ахлоқ одоби, яъни муомаласи билан бошқалардан ажралиб туриши лозим. Айниқса, бу борада тилига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки Раҳбарнинг сифати хислатларини белгиловчи мезонлар кўп. Бироқ қуйидаги ижобий хислатлар улар орасида алоҳида мавқега эга; Довюраклик – бундай раҳбарда мардонаворлик ,ботирлик,дадиллик мавжуд бўлади. Улар омадсизликдан кўркмайди. Кўркув уларни жасоратга чорлайди ва зафарларга олиб келади. Ҳар бир янги ҳаракатни тараққиётга ва ҳаётини тажрибаларга эриштиради.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ МИЛЛИЙ-АХЛОҚИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

3.1 Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда бошқарув маданияти ва миллий раҳбар кадрлар маънавий қиёфасининг ахлоқий асослари хақида

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи бошқарув тизимида фаолият юритаётган ҳар бир раҳбар олдида маълум талабларни қўяди. Бу талабларга риоя этмаслик муваффақиятсизликка, белгиланган мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабабчи бўлади.

Ҳозирги шароитда бошқарув тизимида ишлаётган ҳар қандай раҳбар учун, у бирон бир корхона, ташкилот, жамоа раҳбари бўладими ёки сиёсий арбоб бўладими, одамлар билан мулоқот маданиятини ўзлаштириш, жонли сўз воситасида кишиларга Ўзбекистон ҳукумати сиёсатини тўғри тушунтира олиш, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш ва фуқаролик бурчларини чуқур англаб етишларига ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринба Президентимиз И.А.Каримов “...бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-хунарнинг эгаси, аввало, ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим”¹ деб бежиз айтмаган

Ўзбекистон ўтиш даврини бошидан кечираётган бир паллада оғзаки тарғибот бошқарув тизими фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этиш билан бирга ҳокимият билан халқ ўртасида доимий мулоқотнинг энг фаол шакли, халқни миллий мафкура байроғи остида бирлаштириш, жамиятни

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 207-бет

бошқаришнинг энг мақбул қуроли бўлмоғи лозим ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Нотиклик ва замонавий воизлик одамлар билан жонли мулоқотга асосланган бўлиб, раҳбарга нафақат ўз ваколати доирасидаги ишларни самарали ташкил этиш, балки одамларга тушунарли бўлган аниқ, ёрқин факт ва мисоллар ёрдамида мустақил Ўзбекистонда кечаётган ислохотларнинг ютуқларини кўрсатиш, ҳукумат олиб бораётган сиёсатни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини тўғри тушунтириш, халқнинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бунда ҳаётдаги айрим камчиликлар, қийинчиликлар хусусида очиқ-ойдин гаплашиш, уларни батараф этиш йўллари муҳокама этиш, ҳар бир шахс билан мулоқотга киришиш алоҳида аҳамиятга эга.

Қолаверса, ҳозирги шароитда мулоқотга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Собиқ шўролар даврида нотикликка “сукут сақлаётган суҳбатдош билан мулоқот” деб таъриф берилган эди. Улуғ немис шоири И.В.Гёте: “Зўрлик бўлган ерда сўз увол, Бўйин эгиб тек тур, қулоқ сол”, - деб ёзган. Бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигига асосланган, монологик мулоқот устувор бўлган тоталитар тузумнинг меваси эди. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон шароитида ҳақиқатни билишга барча ҳақли бўлган муҳит қарор топиб, мулоқотда монолог ўрнини диалог, яққаҳоқим фикр ўрнини фикрлар хилма-хиллиги эгалламоқда. Маъмурий буйруқбозликка асосланган тизим негизини ишонтириш ташкил этувчи демократик мулоқот билан алмашмоқда. “Бизнинг пировард мақсадимиз - инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат” экан, жамиятимиз олдида ўз дунёқараши, ўзига хос мақсад-муддаолари бўлган ижтимоий гуруҳ ва табақаларни бирлаштириш, уларни умуммақсадлар сари йўналтиришдан иборат вазифа туради.

Шу ўринда масаланинг бир жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Аслини олганда, барча замонларда ва ҳар қандай шароитда давлат ва жамият

бошқарувини амалга ошираётган шахс ёки каттами-кичикми, жамоани бошқараётган рахбар одамларни ўз ирода-хоҳишига бўйсундиришга ва мақсадга эришишга интилади. Бу эса фақат икки йўл билан амалга оширилади: одамларни мажбур этиш ёки ўзи истаган ишни қилиш улар учун фойдали эканлигига ишонтириш.

Ўз навбатида инсон онгига хос бўлган икки кучли омилга суянган ҳолда кишини унинг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ бирон-бир ишни бажаришга мажбур этиш мумкин. Биринчи омил қўрқув бўлса, иккинчиси - манфаат. Киши(лар)ни қўрқитиб бўйсундириш мумкин, шунда у сизнинг иродангизга мувофиқ амални бажаради ва у(лар)ни “сотиб олиш” мумкин, шунда у сиз истаган ишни қилади, чунки бундан ўзи ҳам манфаат кўради.

Ҳар қандай тоталитар тузумда бундай императив – мажбурловчи нутқий таъсир кенг тарқалган бўлади, чунки бундай тузумнинг ўзи ялпи қўрқув ҳиссига таянади. Шахсий манфаат ҳам тоталитар жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришнинг асосини ташкил этади. Одамлар қўрқитилади ва бир пайтнинг ўзида “сотиб олинади”.

Президентимиз таъбири билан айтганда “Ўткан давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна кадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим”.¹

Жамиятимиз олдида турган ушбу вазифа маълум даражада мураккаб ҳамдир. Зеро, бу вазифани адо этиш бошқарувда анча кенг билим ва тафаккурни талаб этади. Яқин ўтмишда, қатағон-таъқибларга суянган тузум даврида ташқи мажбурлаш усулини қўллаш кифоя қилар эди. Бугун

¹ Кармов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2009, Б. 6-7.

кишининг ички хоҳиш-иродаси, шахсий қароригина бундай мажбурият хиссини уйғота олади. Шунинг учун бугунги раҳбар нутқ ва мулоқот маданиятини, нотиқлик санъатини пухта эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-мазмун касб этаётган, мулкдорлар қатлами шаклланаётган ва тадбиркорликка кенг йўл очилган бир даврда ҳар қандай раҳбардан бошқа сифатлар қатори тадбиркорлик билан иш юритиш қобилияти талаб этилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти, аввало, ҳамкорларни топа билишни, улар билан иш битиришни, бир сўз билан айтганда, фаол мулоқотга киришишни тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «тадбиркорлик» нафақат бизнес соҳаси билан боғлиқ, балки бошқа соҳа кишилари учун зарур сифат ҳамдир. Чунки ҳар қандай раҳбарнинг иш унуми, фаолиятининг самарадорлиги, кўзланган мақсадга эришуви ўзгалар билан мулоқот ўрната олиш, уларни ўз ғоя ва фикрларига шерик қила олиш қобилияти билан боғлиқ. Нотиқлик маҳоратининг заифлиги ўз соҳасининг профессионал устаси бўлган кишиларни ҳам қийин аҳволга солган. Биргина мисол. 2002 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президент И.Каримов вилоят раҳбарияти томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларнинг сабабларини таҳлил этар экан, вилоят хокимининг бирорта катта анжуманда сўзга чиқмаганини, бирон марказий идорага кириб, вилоят манфаатларини ҳимоя эта олмаганини айтиб ўтиб, шундай хулоса чиқарган эди: “Одамларни, эл-юртни юксак мақсадлар ва марраларга даъват қиладиган раҳбар, ...бу мақсадларга эришиш учун шу ғояларни ўзининг шахсий ғоялари деб биладиган фидоий инсонларни ўз атрофида бирлаштириши керак. Улар раҳбар билан маслақдош, ҳамфикр, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан

меҳнат қиладиган, ҳалол ва пок одамлар бўлиши лозим. Раҳбар ана шундай одамларни топиши, уларга таяниб ишлаши зарур».¹

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқадики, раҳбар ўз бошқарувини икки йўл билан амалга ошириши мумкин. Бири одамлардаги энг паст инстинктларга (қўрқув ва мансабпарастлик) таянган ҳолда иш юритиш бўлиб, унинг самарасиз ва ҳатто зарарли эканлигини яқин тарих яна бир бор исбот этган. Иккинчиси - ишонтириш, даъват этишдан иборат рационал йўл.

Юзаки қараганда бошқарувда кишиларни буйруқ билан ўз иродасига бўйсундириб ишлатиш осонроқдек туюлади. Бироқ буйруқка қўниккан одамда юқоридан буйруқ кутиш кайфияти шаклланиб, ўз салоҳиятини, мавжуд имкониятларини ишга солишга интилиш сусайиб боради, ташаббус ўрнини лоқайдлик эгаллайди. Буйруқбозлик асосида иш юритган раҳбар эса қўл остидаги кишининг ҳар бир қадамини, энг кичик ишини ҳам тинимсиз йўналтириб туришга мажбур бўлади. Натижада у муҳим стратегик вазифалар устида бош қотириш ўрнига майда-чуйда ишларга вақтини сарфлашга мажбур бўлади.

Бундай иш юритиш усули ишчан мулоқот қонуниятларига ҳам зиддир. Зеро, одатда ишчан мулоқот деганда, одамлар ўртасидаги биргаликда фаолият юрғизиш зарурати билан белгиланган ва ахборот алмашиниш, ҳамкорликнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш, ўзга одамларни тушунишни назарда тутувчи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш тушунилади. «Ишчан мулоқотнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда турли тоифадаги одамлар билан муносабатларни ишчан алоқаларнинг максимал самарадорлигига эришишга интилган ҳолда ўрнатишни билиш лозим». Бунда эса киши одамларни ўзига қарата билиши, уларни инонтира олиши алоҳида аҳамият касб этади.

¹ И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 2-жилд. –Т., Ўзбекистон, 2003, 95-б.

Бошқарувни ишонтириш орқали амалга ошириш деганда нима тушунилади? Унинг самарадорлиги нимада? Тасаввур қилайлик, сизга бирон-бир одам у ёки бу ишни бажариши керак. Ишонтириш йўлини тутганингизда бу одам ўзи ундан талаб қилинаётган амални бажариш зарур эканлиги ҳақидаги фикрга келади. Агар буйруқ олганда у ўз хоҳиш-иродасидан қатъи назар талаб қилинган амални бажарса, инонтириш орқали сиз унинг хоҳиш-иродасини шакллантирасиз. Сиз шундай нутқ сўзлайсизки, унинг таъсирида ўзга одам ўзи унга юклатилган ишни бажариш кераклиги ҳақидаги фикрга келади. Содда қилиб айтганда, у сизнинг хоҳиш-иродангиз асосида иш кўрса-да, ўз хоҳиши бўйича вазифани бажараётибман, деб ҳисоблайди. Бунга эса фақат инонтириш орқали эришиш мумкин.

«Мажбурлаш» ва «фикрлаш» маълум маънода бир-бирига зид тушунчалардир. Зеро, фикрловчи мавжудот (*homo sapiens*) бўлган инсон тафаккурига зўрлаш билан эмас, балки унинг табиатига хос бўлган мантиқ, ақлга мувофиқлик орқали таъсир ўтказиш мумкин. Шунинг учун инонтириш нутқий мулоқотнинг асосий шаклидир.

Албатта, ўз фикрини ўзгаларга етказиш, одамларга ўз фикрларининг тўғри эканлигини исботлаш, уларни инонтириш - мураккаб, сўзловчи кишидан катта иқтидор талаб этувчи вазифа. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, муаммо инсон тафаккурининг табиати билан боғлиқ. Ҳар қандай одамда унинг шахсий тажрибаси, олган билими, жамиятда тутган ўрни ва шу кабилар билан боғлиқ равишда ўз дунёқараши ва атрофдаги нарса ва воқеа-ҳодисаларни баҳолаш мезонлари шаклланади. Ўрни келганда айтиш лозимки, шу асосда тарғибот-ташвиқотнинг тегишли қонунияти намоён бўлади: шаклланган турғун фикрни бузишга пул сарфлаш бемаънилик, чунки амалда бунинг иложи йўқ. Фақат ундан қатъи назар, унга мурожаат этмаган ҳолда ёнида янги фикрни шакллантириш мумкин. Бу дегани, сизда маълум фикр-эътиқодингиз бўлса, ақлингиз унинг тўғри эканлигини доимо зимдан исботлашга уринади. Ўзгача фикр-эътиқод эгаси билан мулоқотга киришганингизда, сизнинг ақлингиз бегона ва ўзгача ғояга қаршилиқ кўрсата

бошлайди. Бу қаршиликни енггандан сўнггина, ўзга одам сизнинг фикрингизни қабул қилишга тайёр бўлади. Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин”, - деган чуқур мазмунли сўзлари ҳам бир томондан айти шу қонуниятни акс эттиради.

Масаланинг яна бир томони ҳозирги даврдаги таркиб топган шарт-шароит билан боғлиқ. Юқорида айтганимиздек, Собиқ СССРда монологик тартибот кучли эди. Жамият кучли сиёсий (партиявий) табақаланиш асосида ташкил этилган эди. Унинг моҳияти большевиклар томонидан ўйлаб чиқилган “демократик централизм” тушунчасида ўз ифодасини топган. Унга кўра киши қанчалар баланд лавозимда ўтирса, шунчалар фикри тўғри бўлган.

Унинг аниқ белгиланган қонунлари бўлиб, диалогга йўл қўймас эди. Партия ходимининг сўзлари эътироз уйғотиши мумкин эмас, Сталин ёки алжираб қолган Л.Брежневнинг маърузалари маълум ҳақиқатлар ва ҳаётдан йироқ маълумот ва ғоялардан иборат бўлса-да, “тулдурас қарсақлар” билан кутиб олинар эди. Иттифоқда яшовчи барча одамлар “ягона совет халқи” эди. Хуллас, “халқ ва партия бир”, “компартия совет халқининг умумий фикрини ифодаловчи ягона манба” бўлган шароитда диалогга умуман ўрин қолдирилмаганди.

Мустақиллик Ўзбекистонда диалогик жамиятни шакллантиришга йўл очиб берди. Замонавий раҳбар энди ўзгача муҳитда, онги тубдан ўзгараётган, ўз ҳақ-ҳуқуқини кундан-кун чуқурроқ англаб бораётган одамлар билан мулоқотга киришади. Ўзбекистон фуқаролари Президент И.А.Каримов сўзлари билан айтганда: “Энди бир пайтлар СССР Олий Совети халқ депутатлари съездларида беписандлик билан “тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчилик”, деб аталган одамлар эмас. Улар бугун ўз мамлакатада, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун маъсулиятни чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир”¹. Янгиланиб бораётган бугунги шароитда раҳбар, у қандай

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди.//«Халқ сўзи». 2005 й. 10 январь.

давозимни эгаллаб турган бўлмасин ёки бошқарувнинг қайси соҳасида фаолият юргизаётган бўлмасин, одамлар билан мулоқот маданиятини чуқур ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти деганда куйидагилар назарда тутилади:

1. Сўзлаш (жумладан, омма олдида) санъати.
2. Тинглаш қобилияти.
3. Сухбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар, қўл остида ишлайдиганлар)ни объектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари.
4. Ҳар қандай одам билан муносабат ўрната олиш ва ўзаро манфаатдорлик асосида унга самарали таъсир ўтказа олиш.

Чинакам мулоқот маданияти юксак ахлоқий маданиятни назарда тутати, яъни ўзга кишида ўзи учун ўз мақсадига эришиш учун керакли одамнигина эмас, балки тўлақонли шахсни кўра билиш зарур.

Раҳбар ва у мулоқотга киришган шахс ёки аудитория бир-бири билан узвий боғлиқ ва у ёки бу масалани ҳал этишда ўзига хос тандемни ташкил этади.

Раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни инонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурияти мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликдир. Давлат ва жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг бош омили эса турли гуруҳ, ташкилот ва давлатлар томонидан уюштирилаётган мафкуравий хуружлардан одамларни асрашдан иборат. Инсон онги ва қалби учун кураш кечаётган шароитда ҳар бир раҳбар зиммасига у давлат ва жамият бошқаруви тизимида ишлайдими ёки бирон-бир корхонани бошқарадими, бундан қатъи назар, фуқароларимизни халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган ҳаққоний миллий ғоямиз билан қуроллантириш вазифаси ҳам юклатилган.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов “Независимая газета” (Россия) мухбирининг “рангли инқилоб”лар ва Ғарбнинг Ўзбекистондаги вазиятга

таъсири ҳақидаги саволларига жавоб берар экан, четдан таъсирдан кўра ички омиллар муҳимроқ эканлигини таъкидлаб шундай деган эди: “...Ҳукуматнинг аҳоли билан алоқаси қанчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёки йўқлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳокимият билан халқнинг муносабати қар билан соқовнинг “сўзлашуви”ни эслатадиган ҳолатдир. Бундай вазият маъсулиятни зиммасига олган ҳокимият билан уни сайлаган халқ ўртасида вужудга келмаслиги керак”.

Демак, замонавий раҳбар учун касбга оид билимларнинг, хўжалик ишларини юритиш маҳоратининг ўзи камлик қилади. У тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос қонун-қоидаларни билиши, одамлар билан мулоқотда уларни қўллай билиши ҳам лозим. Ва аксинча, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни олий мақсадлар сари йўналтириш каби мураккаб ижтимоий вазифаларни уддалай олмаган киши раҳбарлик лавозимини эгаллаши мумкин эмас. Мамлакат ва халқ тақдири, амалга оширилаётган ислохотлар самараси биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб бера олишига боғлиқ. Энг муҳим талаблардан бири эса нотиклик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана билишдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги нутқида: “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваломбор, раҳбар курсисига ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”, – дея алоҳида таъкидлаган эди.

Нотиклик санъатининг яхши эгаллаган раҳбар сўз қудратидан фойдаланиб, одамларни ўзига қарата оладиган ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Бу эса, юқорида айтганимиздек, осон иш эмас. Римнинг буюк нотиғи Цицерон шундай деган эди: “Сухандонлик шундай сифатки, унга осонликча эришиб бўлмайди ва у жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади”. Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиклик назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва

сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради. Одамларни мажбур этиш уларни инонтиришдан кўра осонроқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, айрим раҳбарлар одатда мажбурлаш орқали одамларни ўз иродаларига бўйсундиришга ҳаракат қилишади. Бироқ ишонтиришнинг мажбурлашдан кўра афзал жиҳатлари бениҳоя кўп. Ўзга одам унинг кўрқув ва манфаатпарастлик туйғуларига таъсир ўтказилаётган пайтдагина буйруққа кулоқ тутати ва унга амал қилади. Уни кўрқитишни ёки шахсий манфаат орқали ўзингизга мойил қилишни тўхтатганингиз ҳамоноқ у сизнинг таъсирингиздан ҳалос бўлади ва сиз энди уни ўз иродангизга бўйсундира олмай қоласиз. Шунинг учун куч билан таъсир ўтказиш вақтинчалик ҳолатдир. Ишонтириш эса инсон ақл-тафаккури устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради ва доимийлик хусусиятига эга. Агар сиз ўз фикрларингизни ўзга кишининг онгига сингдирсангиз, улар ўша одамнинг ўз шахсий фикридек хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи кучга айланади ва оқибат ўлароқ у сизнинг доимий таъсирингиз остида қолади. Тақдир тақозоси билан ўзгаларни ўз фикрига инонтиришга эришган раҳбар эгаллаган лавозимидан кетса ҳам, унинг бошлаган эзгу ишлари давом этади.

3.2 Замонавий раҳбар маънавий қиёфаси миллий ахлоқий концепциясининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамияти.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳар бир шахснинг юксак маънавий маданиятга эришувини таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ахлоқан жиҳатдан пок ҳамда етук шахсни камол топтиришдан иборатдир. Ана шу мақсадда «Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг

сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривож, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.»¹.

Жамият тафаккурининг юксалиши эса бевосита ахлоқий маданият билан боғлиқ бўлиб, шахснинг етук ва изчил маънавий дунёкарашини ифодалайди. Ахлоқий маданият моҳият-мазмуни ҳар бир шахс маънавиятини белгиловчи мезон эканлигида ҳам инъикос этади. Ахлоқан баркамол инсон ўз миллий қадриятлари, маросим ва удумларидан, турмуш ва тафаккур тарзидан завқланади, шунингдек, бошқа халқ ва миллатлар маънавий оламига ҳам ҳавас билан беғараз муносабатда бўлади, ўзининг инсонпарварлик туйғуларини ҳам намоён этади.

Ахлоқий маданият турлари ичида кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Ахлоқий маданият жамият аъзолари томонидан ахлоқий тушунча, тамойил меъёрлар, идеалларни ўзлаштириш асосида ахлоқий камолотга етишишдир. Олим А.Шер “Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаш ва улардан ўз тажрибаларида фойдаланиш, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш сингари жиҳатларни қамраб олади; шу билан шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади ҳамда давлат ва жамиятдаги ахлоқий даражани юксалтиришга хизмат қилади”² деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, шахсни билимли, масъулиятли, сиёсий жиҳатдан идрокли, ахлоқан пок ва маънавий баркамол бўлишида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти катта бўлиб, у инсон фаолиятининг барча тармоқлари билан боғлиқдир. Ахлоқий маданият олами маънавий-амалий англашнинг зарур воситаларидан бири сифатида маълум қадриятларга йўналганликни, фаолият меъёрлари ва сабабларини, инсонлараро муносабатларнинг ўзига хос шакллари қамраб олган ҳолда, уларни асослаб беради. Ахлоқий маданиятнинг муҳим омили бўлган ахлоқий онг ўз навбатида у ёки бу ҳолатда нафақат қандай йўл тутиш кераклигини, балки вазият тақозо этган вазифани қандай амалга ошириш зарурати ҳам

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.

² Sher A. Axloqshunoslik .Toshkent: O'zbekiston faylasuflar jamiyati nashriyoti, 2010. 304 -b.

тушунишга имкон яратади. Ахлоқий маданиятга аввало, тарбия ва ўз-ўзини тарбия қилиш маҳсули сифатида қараш лозим. Зеро, ахлоқий маданиятли шахс турли ижтимоий муҳит таъсири ва фавқулодда содир бўладиган ходисалар зарбидан ўзини йўқотиб қўймайди, ўз ўрни ва ижтимоий моҳиятини англаб етади ва ўзига тегишли хулосани чиқаради. Бинобарин, шахснинг ахлоқий маданиятини қандайдир қотиб қолган омил кўриниши сифатида эмас, балки мунтазам юксалиб ва бойиб боровчи, ҳатто баъзан заволга юз тутиши ҳам мумкин бўлган жараён сифатида ҳам тушунмоқ лозим. Бу хусусда тарихдан мисоллар келтириш мумкин.

Ахлоқий маданиятли шахс ўз халқи тарихи, маънавий мероси ва бугунги ижтимоий тараққиётга бефарқ бўлмайди, ўз ҳаёти ва фаолиятини Ватан тараққиёти ва истиқболи билан чамбарчас боғлайди, ўзини миллат, мамлакат ва ижтимоий-тарихий ҳаётдан четда тасаввур этмайди. Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг замонавийлиги, яъни ҳар бир даврда эришилган ютуқларнинг шахс ахлоқий ҳаётида намоён бўлиши билан белгиланади. Шунингдек асрлар оша сайқал топиб келаётган ахлоқий қадриятлар ҳам ахлоқий маданиятнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда давлат бошқаруви ва раҳбарлик фаолиятининг ахлоқий ва маънавий қиёфаси кенг кўламда ўзгарди. Нафақат давлатлатчиликнинг ахлоқий қадриятлари ва цивилизация йўналишлари, ҳатто асрлар оша йиғилган сиёсий тажрибалар ҳам тамомила ўзгача бўлди. Аммо раҳбар фаолияти сиёсатининг тақомилида ҳамон ахлоқий маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжи сақланиб келмоқда. Қолаверса, замонавий раҳбарлик қандай бўлади ва унинг асосларини қандай муносабатлар ташкил этмасин, у миллий ахлоқий қадриятларга асосланиши тўғрисидаги масала ўз моҳиятини ҳозир ҳам йўқотган эмас.

Ҳолбуки, айнан шу ечимнинг ахлоқий қадриятларга суяниши тарихда давлатларнинг истиқбол ривожини таъминлаб келган. Соддароқ қилиб айтганда, давлат бошқарувининг ахлоқий қадриятларга суяниши унинг қудрати ва раънақининг кафолатига айланган. Тарихда бундай давлатлар

тажрибасидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айни пайтда, умуминсоний кадриятларга зид бўлган, урф-одат ва анъаналарни оёқости қилган давлат бошқарув сиёсати доимо таназзул билан яқунланган.

Аммо, афсуски давлат бошқарувида аксарият ҳолларда ахлоқий сиёсат ўрнини кўпроқ бирёқлама манфаатлар, қабихлик ва разолат билан йўғирилган сиёсий ўйинлар эгаллаб, бу ўйинлар тажоввуз ўтказиш, бошқаларни тобе этиш билан ифодаланиб келинган. Яъни айёрлик, фитна ва фирибгарлик, товламачилик раҳбар бошқарувининг мазмунида намоён бўлиб келган. Аниқроғи шу восита билан ўз амалларини рўёбга чиқаришган. Натижада сиёсат борган сари ўз моҳият-мазмунини ва масъулият вазифасидан узоқлашган. Шунинг учун раҳбар фаолиятида ахлоқ моҳиятан миллат ва давлат яшовчанлигини таъминловчи омил эканлигини, уларсиз жамият “рангсиз бир маконга” айланишини айтиш мумкин. Дарҳақиқат, бизнингча “бутун олам тортилиш қонунини” дунё яхлитлиги учун қандай улкан аҳамият касб этса, давлат бошқарувида раҳбар ахлоқи ҳам шундай салмоққа эга.

Жамият ва давлат бошқарувида раҳбар ахлоқи маданияти масалалари алоҳида ва жуда кенг илмий ва амалий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Раҳбар шахснинг ахлоқи ва бошқарувда амал қилиши лозим бўлган маданий мезонларнинг услубларига қаратамиз. Жумладан, бошқарувда раҳбарларнинг ўз вазифасига бўлган ахлоқий масъулияти, одоби ва хатти-ҳаракати, мамлакат сиёсатига, ижтимоий ва иқтисодий ривожига таъсири, бошқарув муносабатларида этикавий стандартларни вужудга келтириш, манфаатлар ихтилофини бартараф қилиш, мулоқот қуриш, муомила маданияти, раҳбарнинг ахлоқий сифатларининг таснифи, жамоада ёхуд хизмат вазифасида гуруҳбозлик олдини олиш каби масалаларини қамраб олади. Бундай мезонлар ижтимоий адолат, фуқароларни жамият ва давлат ҳаётига реал иштирокини, қонун устуворлигини, манфаатлар уйғунлигини таъминлашни ташкил этиш вазифаларида намоён бўлади. Зеро, бошқарувнинг моҳияти қандай мазмунга асосланса, раҳбар ўз фаолиятида шундай мезонларга амал қилади. Шунинг учун бошқарувни механизм

сифатидаги ролини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Унинг моҳияти фақат ахлоқий қадриятлар мазмунига хизмат қилиши лозим.

Раҳбар ахлоқий маданиятини қуйидаги фазилатлар ташкил этади:

1. Истеъдод. Инсонга берилган туғма имкониятдир. У ақл ва фикр уйғунлиги натижасида ҳосил бўлади. Раҳбарлик истеъдоди ташкилотчилик билан боғлиқдир. Қайсики раҳбар шахс, лавозимининг катта-кичиклигидан катъий назар, ташкилотчи бўлса у истеъдодлидир. Истеъдодли раҳбар шахс мустақил фикрлайди ва энг тўри қарорларни қабул қила олади. Ишни тўғри ташкил қила олиш истеъдод натижасидир. Бу борада Президентимиз И.Каримов дейди: “Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш – бош вазифамиз”. Мана шу билангина киши истеъдоди юксалиб боради.

2. Изланиш. Янгиликка интилиш ва ҳар бир янгилкни амалиётга тадбиқ этиш изланувчанликдир. Раҳбар шахснинг изланувчанлиги ўз малакаси ва тажрибасини ошириб беришда кўринади. Ташаббускорлик – изланувчанлик самарасидир. Янгиликка ўч раҳбар шахс ташаббускор бўлади ва ўз ишини қониқарли бажаради.

3. Замонавий билимлилик. Киши ўзи яшайдиган даврнинг энг илғор тушунчаларини ўзлаштиради, замонавий билимга эга бўлади. Раҳбар шахснинг замонавий билимлилиги эса ҳозирги замон бошқарув сирларини билиши, сиёсий онглилик ва дунёвий тараққиётни англаши билан белгиланади.

4. Ватанпарварлик. Инсон ўз юртини севса ватанпарвар ҳисобланади. Раҳбар шахс эса ўз Ватанини севишидан ташқари, унинг тараққиётини таъминлаши керак. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ўзганинг хизматини қилиш раҳбар шахс учун ватанпарварликдир.

5. Юртга садоқат. Одам ўз юртини обод қилса, юртига садоқатли ҳисобланади. Раҳбар шахс эса юрт истиқболини белгиловчи изчил дастурларни бажариши, ҳаётни фаровон қилиши ва ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш билан ўз юртига садоқатини намоён қилади.

6. Фидойилик. Бирор киши улуғ мақсад сари қатъий ҳаракат қилса фидойилик қилган бўлади. Раҳбар шахс эса Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш билан фидойилигини намоиш этади. Бугунги кун раҳбари ҳар бир ишда олдинги сафда бўлсагина фидойи ҳисобланади.

7. Ўз касбини устаси. Ҳар ким танлаган касбини пухта билса касбининг устаси ҳисобланади. Раҳбар шахснинг профессионаллиги деганда эса ўз касбининг сўнгги ютуқларигача билиши билан бирга бошқарув сирларини ҳам қатъий ўзлаштиришни тушуниш керак. Президент бунинг кўринишини “бошқаларга ўрнак бўлиши” деб белгилайди.

8. Мустақил дунёқараш. Муайян масалада ўз фикрига эга бўлиш мустақил дунёқарашни билдиради. Раҳбар шахс эса “кенг фикрлаши, узоқни кўра билиши қобилияти билан бошқалардан ажралиб туради” ва бу унинг мустақил дунёқарашга эгалигидир.

9. Иймон-этиқодли. Инсоннинг ўзи ишонган нарсага ихлос қилиши иймон-этиқоддир. Раҳбар шахс эса бугун ва эртани кўзлаб, замон муаммоларини ҳал қила билиши ҳамда мустаҳкам иродага эга бўлиши билан иймон-этиқодли ҳисобланади.

10. Инсон бўлиши. Киши юксак инсоний ахлоққа эга бўлса яхши киши ҳисобланади. Раҳбар шахс эса “атрофидаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг мақтовидан ўзини сақлаб ўта олса” чинакам инсонийлигини намоён қилади.

Ахлоқий муносабатларни ташкил қилишда ахлоқий нормалар пойдевор сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб қилади. Зеро, давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги амалий фаолияти ва дипломатик алоқалари ахлоқий нормаларга асосланади. У қанчалик юқори бўлса, фаолият ҳам шунчалик самарали бўлади.

Шундай қилиб, раҳбар ахлоқи маданиятининг бошқарув тизимидаги ахлоқий муносабатлар тизими бўлиб, турли соҳаларни идора қилишда ахлоқий муносабатларнинг ўрни, уларнинг моҳияти, хусусиятларининг пайдо

бўлиши, ривожланиш тадрижи, тарихи, тараққиёт жараёни, ижтимоий аҳамияти, принциплари, индивидуал ва умумий кўринишлари, белгилари ҳамда қонуниятлари, ахлоқнинг тизимли шаклланиш технологиялари ва механизмлари, методологияси, шаклланиш ва ривожланишини аниқлаш тизимлари, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбариятга хос индивидуал ва умумий ахлоқ меъёрлари, ахлоқий менталитет, имидж, шунингдек, бошқарув ахлоқининг амалий ва назарий муаммолари унинг тадқиқот объектлари, уларни тадқиқ этиш ҳисобланади.

Албатта, раҳбар ахлоқи масалаларида ўзига хос мақсад ва вазифалар мавжуд. Раҳбар ахлоқи борасида ҳам назария, ҳам амалиётга алоқадор тадқиқотлар олиб борилиши, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир қисми эканлигини ҳисобга олсак, унинг мақсади:

- бевосита ёки билвосита раҳбар ахлоқига доир тарихий, замонавий ёзма манбалар, уларнинг ижодкорлари, бошқарувдаги ахлоқ тизими билан боғлиқ тарихий ва замонавий воқеа-ҳодисалар, амалий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- фан ва амалий жараёндаги масалаларни бир бутунликда олиб, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари, асослари, йўналишлари, татбиқ этилиш ўрни, вазифалари ва бошқаларни илмий текшириш, координатсиялаш ва қиёсий таҳлил қилиш;

- қонуниятларни кашф қила ва тараққий эттира бориш, шу мақсадда муайян давр ва келажак учун муҳим бўлган умумий ва соҳалар бўйича индивидуал хулосалар тақдим этишни тизимлаштириш кабилардан иборат бўлади.

Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг бош вазифаси, ўз объектларига доир барча масалаларни илмий, амалий ва назарий чуқур текшириш воситасида:

- жамиятга тараққиёт учун хизмат қиладиган муҳим хулосалар тақдим этиш;

- эришилган натижаларнинг аҳамияти, татбиқ этилиш даври, ўрни ва мақсадларини аниқлаган ҳолда қўллаш учун тавсиялар, дастурлар, тизимлар,

функционал механизмлар ва бошқа шу кабилар тақдим этиш, жамиятга хизмат кўрсатиш самарадорлигини асослаш;

-амалий жараёнларда бошқарувни кучли ва замонавий миллий бошқарув ахлоқи тизими ва билимлари билан қуроллантириб бориш;

-бошқариш, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбарият учун кутиладиган янги шарт-шароитлар, шу асосда улар учун лозим бўладиган зарурий хусусиятлар, тартиблар, қоидалар ва бошқа талабларни башорат қилиш, доимий равишда энг илғор хусусиятлар, фаолият кўринишлари ва ташкилий механизмлар ҳамда услубларни кашф этиб боришдан иборатдир.

Хулоса қилиб раҳбар ахлоқи атамаси тор маънода амалий жараёнларда турли ижтимоий гуруҳларда фаолият кўрсатаётган ўрни, ҳолати ва вазифасига кўра амалдор ахлоқи, амалдорликда ахлоқ қонуниятлари ва методологиясини ифода этсада, амалдор ва амалдорлик функциялари раҳбар ахлоқи соҳасига хос йўналишлардан фақат биттасигина бўла олади. Чунки, раҳбар ахлоқи биргина ёки бир неча амалдорга хос хусусият бўлмай, у амалда давлат даражасидаги ташкилий тузулмаларнинг ҳам яхлит, бир бутун ахлоқий муносабатларини ифодалайди. Кенг маънода эса тарих, ҳозирги замон ва келажак билан боғлиқ ўзига доир амалий ва назарий манбаларни ҳам қамраб олади.

ХУЛОСА

Глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви давлат ҳамда турли даража ва соҳадаги раҳбарларнинг ўз фаолиятидаги ижтимоий-маънавий йўналишга эътиборини кучайтиришни талаб этади. Бу турли таҳдидларга учраётган миллий маданиятни ҳимоя қилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш зарурати билан боғлиқдир. Шу билан бирга, ҳар қандай мустақил давлат сингари ўз ҳудудида моддий неъмат ва маънавий қадриятларни сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади бўлиб қолади. Бу масалани ҳал этиш эса Давлат ва ҳар бир раҳбарнинг миллий, ўзини маданий (моддий ва маънавий) қадриятларини ифодаловчи, мустаҳкамловчи ва ҳимоя қилувчи сифатида қай даражада англашига боғлиқ. Бу қадриятлар эса, ўз навбатида Ўзбекистондаги барқарорликни сақлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши ва чинакам рақобатбардошликка (сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда) эришишида муҳим омил ролини бажариши мумкин.

“Маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди”. Дунёда гегемонликка интилаётган кучлар ҳам буни яхши англайдилар ва шунинг учун аввало, кишиларимиз онгини ўзгартиришга, маънавий қадриятларни қадрсизлантиришга уринмоқдалар. Бундай шароитда барча даражадаги ўзини ҳақиқий етакчи ҳисоблайдиган раҳбар олдида одамларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, уларда жонкуярлик, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш вазифаси туради. Шу жиҳатдан, рус олими В.Н. Молчановнинг фикри диққатга сазовор: “Қайд этиш керакки, - деб ёзади у, - эътироф этилган ижтимоий-аналитик стандартга зид ўлароқ, бошқариладиган энг олий миллий омилни иқтисодиёт эмас, ватанпарварлик ташкил этади. Шунинг учун бизнинг давримизда кўп ишлатила бошлаган ва ОАВ орқали кенг оммалаштирилаётган “ватанпарварлик – бу аблахларнинг

сўнгги бошпанасидир” деган ибора ёки даҳшатли даражадаги саводсизлик, ёки аниқ мақсадга йўналтирилган ва вайрона ёлғон ифодасидир”¹. Бундай “ёлғон”ларнинг муаллифлари эса шубҳасиз, қудратли ахборот воситаларига эга бўлган ва дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган, одамларни ягона марказдан бошқариладиган “ягона дунё”ни қуриш воситаси – “винтиклари”га айлантиришга ҳаракат қилаётган кучлардир. Шунинг учун ҳам Ватанпарварлик Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг муҳим маънавий-ахлоқий негизи сифатида белгиланган. Глобаллашув таҳдидлари хуруж қилаётган бугунги кунда ватанпарварлик Давлат томонидан бошқарилиши, қўллаб-қувватланиши, ташкил этилиши лозим. Шу боис, “Бугун жуда тез ўзгариб бораётган замоннинг ўзи ҳаммамизнинг олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидларни, бошимизга тушиши мумкин бўлган савдоларнинг ечимини ҳозирдан ўйлаб яшашимизни талаб қилмоқда. Бинобарин, раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини юз карра кўпроқ сезиши даркор”².

Бунда раҳбар адолатли иш юритиши устувор аҳамият касб этади. Чунки халқ раҳбарга, унинг фаолияти, одамларга муносабатига қараб давлатнинг, давлат тизимининг адолатли ёки адолатли эмаслиги ҳақида ҳулоса чиқаради. Фуқаролар давлатни ижтимоий адолатли деб тан олганда, яъни давлат томонидан қабул қилинган қадриятлар ва иш бошқариш тизими жамият аъзоларининг аксарият кўпчилиги томонидан маъқулланганда эса, ватанпарварлик бошқарувнинг қудратли миллий омилига айланиши мумкин бўлади. Бундан қарийб 2400 йил аввал Аристотель: “сиёсатлар ва задагонлар ҳалокатининг асосий сабабини давлат тизимининг ўзида учрайдиган адолатдан чекинишлар ташкил этади” – деган эди. Шунга кўра, адолатли

¹ Молчанов В.Н. Глобализация и управление национальными ресурсами// Манба: <http://anthropology.ru>.

² Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 58-59 бет

Давлат қуриш ва, демак, самарали давлат бошқарувини ташкил этишнинг асосларини шундай ифодалаш мумкин:

- “яхши” ва “ёмонлик” ҳақида ижтимоий (миллий, кўпмиллатли) шартнома (булар жамиятга тақдим этилган ва одамлар томонидан маъқулланган кадриятлар тизими ва халқ томонидан қораланган хусусиятлар);

- миллий ўзликни англашни умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириш;

- давлат қурилиши ҳамда давлат ва жамиятни бошқариш ва тартибга солиш тизимини маънавий-ахлоқий пойдевор заминидан барпо этиш;

- давлат, В.Н.Молчанов таъбири билан айтганда, “жамиятнинг ижтимоий қобиғи” сифатида халқни ўзида жамлаб, уни (жамиятни) қабул қилинган кадриятлар тимсолларида ифодалаш ва шу фуқаролик жамиятига мувофиқ шакллантириши лозим.

Шунда “ватанпарварлик” тараққиётнинг чинакам миллий омили сифатида иш бера олади. Мутахассисларнинг фикрига кўра айни “ватанпарварлик” миллий омилига таянган давлатлар, масалан, Швейцария (полиэтник), Норвегия, Швеция, Япония (моноэтник) мумкин қадар адолатни давлат барпо этишга муваффақ бўлганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Расмий адабиётлар

- 1.1 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.2 Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.3 Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.4 Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.5 Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 - жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2004.-400 б.
- 1.6 Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.-448 б.
- 1.7 Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.-318 б.
- 1.8 Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008.-366 б.
- 1.9 Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.-280 б.
- 1.10 Каримов И.А. Жахон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. 18-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010.-264 б.
- 1.11 Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.19-жилд. Т.:Ўзбекистон, 2011. —360 б.

- 1.12 Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларни изчил давом эттириш йўлидир.20-жилд. Т.:Ўзбекистон , 2012.- 312 б.
- 1.13 Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида.21-жилд. Т.:Ўзбекистон, 2013.- 384 б.
- 1.14 Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 28 сентябрь №192.
- 1.15 Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 21 декабрь №250.

II. Китоб ва туркум нашрлари

- 2.1 Темур тузуклари. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2013. 72-бет.
- 2.2 Nurmatova M.A. Abdullaeva N.B. Axloqiy estetik madaniyat. Uslubiy qo’llanma. –Toshkent: O’zbekiston Milliy universiteti boshmahonasi. 2013.
- 2.3 Нурматова М.А. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Тошкент: “Университет” нашриёти, 2009.
- 2.4 Abdulla Sher. Axloqshunoslik. –Toshkent: O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti. 2011.
- 2.5 Нурматова М.А. Муҳаммаджонова Л.А. Маънавиятнинг ахлоқий асослари. –Тошкент: “Университет” нашриёти, 2013.
- 2.6 Нурматова М. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари. Услубий қўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети босмахонаси, 2008.
- 2.7 Ахлоқшунослик Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Rpremier print”, 2011. -116 б.

- 2.8 Социально-психологический климат коллектива и личность. сборник. – М.: “Мысли”, 1983. с. 39-66
- 2.9 Социально-психологический климат... Сборник. С. 63.
- 2.10 Баркамол авлод. Тўплам. И.Каримовнинг Қашқадарё вилояти раҳбари сифатидаги фикрларидан кўчирмалар. - Т.: Шарқ, 2000.
- 2.11 «Ўқитувчилар газетаси» 1989 йил 6 июнь сони.
- 2.12 Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури. - Т.: Адолат, 1997. Б. 6-7.
- 2.13 Бехбудий М. Танланган асарлар. 2-нашри. - Т.: Маънавият, 1999. Б. 169
- 2.14 Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. - Т.: Маънавият, 2000. Б. 32.
- 2.15 Ковалёв А. Влияние личности руководителя... С. 147-148.
- 2.16 Ғозиев Э. Раҳбар фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этиш. // “Халқ таълими” журнали, 2000. № 3. Б. 18-23.
- 2.17 Глобализация и социальные изменения: материалы научной конференции 2006. Сборник научных докладов. (Манба: [http: // Lib.socio.msu.ru/1. Library](http://Lib.socio.msu.ru/1.Library))
- 2.18 Kiely R. Globaliation, post-Fordism and the contemporary context of development//International Sociology. – 1998. №1. P. 97.
- 2.19 Ohmae K. The End of the Nation State: The Rise of Regional Economies. – L., 1995.
- 2.20 Чўлпон. адабиёт надир?. – Т., 1994. 36-б.
- 2.21 Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. – Т., 1998. 60-б.
- 2.22 Ротенберг В.С., Аршавский В.В. Межполушарная асимметрия мозга и проблема интеграции культур// «Вопросы философии», 1984, № 4. С. 78-86.
- 2.23 Кессиди Ф.Х. Глобализация и культурная идентичность// “Вопросы философии» 2003, № 1. С. 79.
- 2.24 Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и “глобализация” как американизация. // “Вопросы философии», 2004. № 4. С. 66.
- 2.25 Рашидад-дин Ф. Сборник летописей. Часть I. - М.: 1951. С. 15-25.

III. Интернет сайтларидан олинган манбалар

- 3.1 www.ziyonet.uz
- 3.2 www.philosophy.ru.
- 3.3 <http://www.intencia.ru>.
- 3.4 <http://www.anthropology.ru>
- 3.5 <http://www.ido.rudn.ru>.
- 3.6 <http://www.filosofia.ru>.
- 3.7 <http://www.falsafa.dc.uz>.
- 3.8 <http://www.phenomen.ru>.
- 3.9 <http://www.lib.ru/FILOSOF>.
- 3.10 <http://www.filam.ru/sait.phg>.